

Мусахҳиҳ ва компьютерда саҳифаловчи Ш.Янгибоев
Навбатчи С.Чориев
Техник муҳаррир М.Раҳматов

Муассис: Қарши давлат университети

Журнал Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан
17.09.2010 йилда № 14-061 рақамли гувоҳнома билан қайта рўйхатдан
ўтган.

Теришга 25.09.2015 йилда берилди.
Босишга 8.10.2015 йилда рухсат этилди.
12.10.2015 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 70x108 ¹/₁₆.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 7,92.
Буюртма рақами: № 33.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.

Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.

Индекс: 4071

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Журнал 2009 йилда
ташкил этилган**

**Йилига 4 марта
чоп этилади**

3(25). 2015

Қарши – 2015

ТАХРИРИЯТ ХАЙЪАТИ:

Бош мухаррир проф. Шоимкулов Б.А.
Бош мухаррир ўринбосари проф. Ёзиев Л.Х.
Масъул котиб ф.ф.н. Жабборов Э.Ж.

Тахририят хайъати аъзолари: доц. Бўриев О.Б., доц. Дилмуродов Н.Э., псих.ф.д. Жабборов А.М., проф. Жабборов Н.А., доц. Камолов Л.С., б.ф.д. Кучбоев А., проф. Менглиев Б.Р., проф. Рахмонов Н.Р., ф.-м.ф.д. Ташатов А.К., проф. Тожибоев К., проф. Тўраев Д.Т., проф. Уватов У.У., фалс.ф.д. Чориев С.А., пед.ф.д. Шодиев Р.Д., ф.ф.д. Шодмонов Н.Н., ф.-м.ф.д. Шукуров О.М., доц. Эгамбердиев С.Э., проф. Эргашева Ю.О., доц. Эркаев А.П., проф. Курбонов Ш.К., доц. Гаффарова Т., доц. Халимов Г.Г., ф.ф.н. Хамраева Ё.Н.

Манзилмиз: 180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.
Қарши давлат университети, Бош бино.
Тел.: (+91) 945-64-55, факс: 225-57-01;
web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор проф. Шоимкулов Б.А.
Заместитель главного редактора проф. Ёзиев Л.Х.
Ответственный секретарь к.ф.н. Джаббаров Э.Ж.

Члены редколлегии: доц. Буриев О.Б., доц. Дилмуродов Н.Э., д.псих.н. Джаббаров А.М., проф. Джаббаров Н.А., доц. Камолов Л.С., д.б.н. Кучбаев А., проф. Менглиев Б.Р., проф. Рахмонов Н., д.ф.-м.н. Ташатов А.К., проф. Тожибоев К., проф. Тураев Д.Т., проф. Уватов У.У., д.филос.н. Чориев С.А., д.пед.н. Шодиев Р.Д., д.ф.н. Шодмонов Н.Н., д.ф.-м.н. Шукуров О.М., доц. Эгамбердиев С.Э., проф. Эргашева Ю.О., доц. Эркаев А.П., проф. Курбонов Ш.К., доц. Гаффарова Т., доц. Халимов Г.Г., к.ф.н. Хамраева Я.Н.

Адрес редакции: 180003, Қарши, Кучабаг, 17.
Қаршинский госуниверситет, Главный корпус.
Тел.: (+91) 945-64-55, факс: 225-57-01;
web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz

EDITORIAL BOARD:

Editor-in-chief – professor Shoimkulov B.A.
Editor-in-chief-deputy – professor Yoziyev L.H.
Executive-secretary – assistant professor Jabborov E.J.

Editorial board members: assistant prof. Buriyev O.B., assistant prof. Dilmurodov N.E., prof. Jabborov A.M., prof. Jabborov N.A., assistant prof., Kamolov L.S., prof. Kuchboyev A., prof. Mengliyev B.R., prof. Raxmonov N.R., prof. Tashatov A.K., prof. Tojiboyev K., prof. Turayev D.T., prof. Uvatov U.U., prof. Choriyev S.A., prof. Shodiyev R.D., prof. Shodmonov N.N., prof. Shukurov O.M., assistant prof. Egamberdiyev S., prof. Ergasheva Y.O., assistant prof. Erkayev A.P., prof. Khurbonov Sh.Kh., assistant prof. Gafforova T., assistant prof. Khalimov G.G., assistant prof. Khamrayeva Y.N.

Editor address: 180003, Karshi, Kuchabag, 17.
Karshi State University, The main Building.
Tel.: (+91) 945-64-55, faks: 225-57-01;
web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz

МУНДАРИЖА

АНИҚ ФАНЛАР

Хайриддинов Б.Э., Халимов Г.Г., Нуриддинов Б.Н., Мязитов М.Н. Гулчиликда қуёш-биогаз мажмуасидан фойдаланиш.....	3
Халимов Г.Г., Халимов А.Г., Хайриддинов Б.Э., Бабаджанов Ю.Т., Садыков Ж.Д. Радиационный режим пластикового аккумулятора тепла.....	8
Гуломов О.Х. Совершенные формы от четырех переменных.....	12
Вардияшвили А.А., Файзиев Т.А., Вардияшвили Асф.А., Абдиназаров С.Б. Энергосбережение при использовании нетрадиционных и возобновляемых источников энергии.....	16
Садыков Ж.Д., Халимов Г.Г., Ким В.Д., Мансуров А.А., Рахимова К.К. Температурная и концентрационная стратификация воздушной среды в солнечных сушильных установках.....	20
Жураев Д.А., Омонов А.Т. Задача Коши для систем уравнений эллиптического типа первого порядка.....	25
Хужаев Л., Саипназаров Ж. О первой задаче дарбу для гиперболического уравнения второго порядка с памятью	28

ТАБИИЙ ФАНЛАР

Никитина Е.В., Кучбоев А.Э. Оптимизация условий культивирования <i>in vitro</i> видов <i>juno (tratt.)</i>	33
Муртазаев Б.Ч., Абдуллаев С.И. Ландшафт концепциясининг ривожланиши ва хозирги ландшафтшунослик.....	38
Азимова Н.Ш., Хамидов Д.М., Орунов Б., Рахимов Р.Х., Ермаков В.П., Рашидов Х.К. Действие инфракрасного излучения, генерируемого функциональной керамикой на целлюлазную активность и образование белка грибом <i>TRICHODERMA HARZIANUM UZCF 28</i>	50
Қодиров А.А., Бозорова Л.Ш., Бойсунов Ф.П., Омонова Ш.Ю. Ацетонциангидриннинг аминлар билан ўзаро реакцияларини ўрганиш.....	56
Пирназарова Н.Б., Нахатов И., [Шахидоятов Х.М.] 2,3-диметилхи-назолин-4-он-ил-2-тиоамидларининг синтези ва уларда қайта амидлаш реакцияларини ўрганиш.....	59
Бозоров Н.И., Алимова Ф. А. Обучение полимерной химии с использованием средств наглядного представления информации.....	62

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР

Эркаев А. Маънавият ва ирода.....	67
Жаббаров Н. Алишер Навоий биографиясини ўрганишда “Макориму-лахлоқ”нинг ўрни.....	81
Бўриев О., Равшанов А. Ўзбекларнинг этноэкологик кадриятлари: анъанавийлик ва замонавийлик.....	86
Kabulov A. Theory of firms in the condition of competetion: evolution of approaches.....	99
Бекмуродова Г. Шахс маънавий хавфсизлиги ҳақидаги мулоҳазалар ривож.....	106
Ёзиев Э. Маъмурий бошқарувда раҳбарлик услубларидан фойдаланишнинг мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	110

ТАҚРИЗ

Ахмедов А.Б. Тилнинг тизимли-кодификацион қурилишида сўз маъноси-нинг категориаллиги.....	115
---	-----

“танбех, огоҳлантириш” маъносига эга бўлган;

4) немис тилидаги семантик-синтактик вариантлар бир қатор отларнинг у ёки бу контекстларда аниқ артикл билан ёки артиклсиз қўлланиши натижасида юзага келади; *Szene* (соҳа, доира) отининг аниқ артикл билан қўлланишини мисол тариқасида келтириш мумкин: *Er kennt sich in der Szene [Drogenszene] aus* (У дорихона молларини яхши билади).

У ёки бу турдаги лексик бирликлардан таркиб топган гапларнинг ўта мураккаб қурилишини ҳам айнан шу йўл билан ўрганиш мумкин.

Юқоридагилардан аёнки, тил нутқда фаоллашади. Шунингдек, тил ва нутқ нутқий фаолият маҳсулидир, бироқ шунга қарамадан мазкур тушунчаларни ифодаловчи терминлар турли маъноларда қўлланади. Профессор Т.А.Бушуйнинг мазкур монографиясида бу хусусда кенг маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

СамДЧТИ профессори Т.А.Бушуйнинг “Тилнинг тизимли қурилиши” номли монографиясида тил тизимининг турли сатҳларида лингвистик концептуаллик масаласи комплекс равишда ўрганилади.

Такризда мазкур ишнинг назарий жиҳатлари ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

Новая монография “Язык в системной структуре”, которую опубликовала профессор СамГИИЯ Т.А.Бушуй, рассматривает в комплексе лингвистическую концептуальность на разных уровнях.

В рецензии рассматриваются теоретические положения этого труда.

SUMMARY

The new monograph “Language in the system structure” by T.A.Bushuy, the professor of Samarkand State Institute of foreign languages, the problem of linguistic conception in different layers of language system is investigated.

In the review the theoretical aspects of the monograph are considered.

Нашрга ф.ф.н. Э.Жабборов тавсия этган

АНИҚ ФАНЛАР


ГУЛЧИЛИКДА ҚУЁШ-БИОГАЗ МАЖМУАСИДАН ФЙДАЛАНИШ

Хайриддинов Б.Э., Ҳалимов Ғ.Ғ.(ҚарДУ), Нуриддинов
Б.Н.(ҚарМИИ), Мязитов М.Н. (Муборакнефтваз УШК)

Таянч тушунчалар: органик ёқув ашёси, ориентация, географик кенглик, критерий, конвектив иссиқлик алмашинуви, иссиқлик миқдори, кинематик ёпишқоқлик коэффициенти, биогаз қурилмаси, иссиқлик бериш коэффициенти, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, ламинар режим.

Маълумки, куз, қиш ва эрта баҳор ойларида гулларни етиштиришда органик ёқув ашёлари, яъни табиий газ, нефть маҳсулотлари, тошқўмир ва бошқалар ҳисобида иситиладиган иссиқхоналардан фойдаланилади [1, 2]. Аммо органик ёқув ашёсини тежаш мақсадида альтернатив иссиқлик манбаи, яъни “Қуёш-биогаз мажмуаси”дан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай мажмуа Муборакнефтваз УШК (Унитар шўба корхонаси) ёрдамчи хўжалигида қурилган бўлиб, у икки қисмдан, яъни гул етиштиришга мўлжалланган гелиоиссиқхона ва чорва моллари, паррандалар ахлатлари ҳамда чиқиндилари ҳисобидан метан гази олинадиган биогаз қурилмасидан иборат.

Гелиоиссиқхона полиэтилен плёнка билан қопланган ҳолда ярим цилиндр шаклига эга, ориентацияси эса меридиан ўқи бўйича шарқ-ғарб йўналишда бўлиб, унинг кўндаланг кесими схемаси куйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Полиэтилен плёнка билан қопланган ярим цилиндрик иссиқхона тиниқ юзасига тушадиган қуёш энергияси.

Шаклдан кўриниб турибдики, (1-расм) АВ ва ВС ёй орқали ўтадиган тўғри қуёш нури гелиоиссиқхонанинг горизонтал текис-

лигига тушади. Бу ерда $h = (90^\circ - \varphi) - \delta$; h – қуёш баландлиги, φ – Қарши шаҳри географик кенглиги ($\varphi = 39^\circ$), δ – қуёшнинг оғиш бурчаги бўлиб, 22 декабрда $\delta = 23,5^\circ$; $h = 28^\circ$. Ярим цилиндрик гелиотеплицанинг тиник юзасига қуёш нури уринма бўйича тушадиган бўлса, у ҳолда $\alpha = h = 28^\circ$, $\beta_0 = 90^\circ + \alpha = 118^\circ$ ва $\beta_1 = 180^\circ - 118^\circ = 62^\circ$ га тенг бўлади.

Ярим цилиндрик теплицанинг тиник юзасидан ўтадиган қуёш энергияси миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$\sin\alpha = \cos Z \sin\delta = \sin\alpha \cdot \cos\delta \sin\tau \quad (1)$$

$$Q_{\text{ут}} = Q_{\perp} \sin\alpha \beta \quad (2)$$

бу ерда қуёшнинг ярим кунида (τ_{50}) $\alpha = 0$ ва $\varphi > \delta$, $\alpha = \pi$ бўлганда $\varphi < \delta$ бўлади. Қуёш ярим куни, яъни $\tau = 0$ бўлганида максимал баландлик бурчагига эришади.

Қуёш нурларини гелиоиссиқхона тиник юза орқали максимал ўтишини таъминлаш учун у оптимал бурчак билан қурилади. Ўртача бир ой давомида ярим цилиндрик қуёш иссиқхонасининг тиник юзасидан ўтадиган нур энергияси:

$$Q_{\text{ут}}^{\text{ой}} = K Q_{\text{туш}}^{\text{ой}} \quad (3)$$

бу ерда $Q_{\text{туш}}^{\text{ой}}$ – ўртача бир ой давомида горизонтал текисликка тушадиган қуёш энергияси ($\text{МЖ}/\text{м}^2$).

Географик кенглиги $a = 50^\circ$ гача бўлган жой учун ўртача бир ойда тушадиган қуёш энергиясининг йиғиндиси миқдорини ҳисоблашда K – коэффициентни жанубий йўналиш учун қуйидаги тенглик орқали аниқлаймиз:

$$K = \left(1 - \frac{Q_{\text{соч}}}{Q}\right) + \frac{Q_{\text{соч}}}{Q} \cdot \frac{(1 + \cos\beta)}{2} + \rho \frac{(1 - \cos\beta)}{2} \quad (4)$$

бу ерда ρ – сочилиш коэффициенти бўлиб, кишда $\rho = 0,7$ бўлса, ёзда $\rho = 0,2$ га тенг бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Q – коллекторнинг 1 м^2 сиртига тушаётган йиғинди радиация миқдори 2500-6280 Жоулгача ўзгаради. Бу энергиядан қуёш иссиқхоналаридаги иссиқлик ва намлик режимини мўътадиллаш мақсадида самарали фойдаланилса, қиш фаслида иссиқхоналарни иситиш учун сарфланадиган 35-40 % ёқилғи энергиясини тежашга эришиш мумкин бўлади.

Муборакнефтверга УШК ёрдамчи хўжалигида тажриба-синовдан ўтказилган ишчи майдони 180 м^2 бўлган ва гуллар етиштиришга мўлжалланган ярим цилиндрик гелиоиссиқхоналарнинг ички тузилиши қуйидаги 2- расмда кўрсатилган.

4. Сўроқ гаплар ундаш (*Können Sie mir Salz reichen?* - Менга тузни узатиб юбора олмайсизми?) ва тасдиқ (*Bin ich ein Feigling?* - *Ich bin kein Feigling.* - Мен қўрқоқманми? - Мен қўрқоқ эмасман) вазифаларини бажариши мумкин.

5. Майлнинг нисбатан кейин пайдо бўлган шакли сифатида конъюнктив (шарт майли) қўлланиш борасида индикатив (аниқлик майли)га қараганда кўплаб ўзгаришларга учраган ҳолда бир томондан прагматик вазиятга кучли боғлиқликни кўрсатса, бошқа томондан ўта субъективликни билдиради. Прагматик омилнинг таъсири натижасида конъюнктив шаклларида кўп қўлланидиган феъллар семантикасида ҳам ўзгариш содир бўлмоқда. Масалан, *ich möchte* ва *ich hätte gern* “истар эдимки” шакллари ҳозирги немис тилида *ich mag* “истайман” ва *ich habe gern* “ёқтираман” шаклларида семантик жиҳатдан фарқ қилмоқда.

6. Семантик-синтактик, морфологик-синтактик ва синтактик боғланишлар синтактик тузилмалар синонимлигининг муҳим мезони сифатида яққол намоён бўлади. Лексик бирликлар маъносидан келиб чиқадиган грамматик семаларни ҳам алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. Бундай сема сўз маъно структурасининг периферик (муस्ताқил бўлмаган) компоненти ҳисобланади ва нутқда грамматик шакл билан ўзаро боғланишда бўлади. Бу аффирмативлик / негативлик семалари (қиёсл. *gestehen* “тасдиқламоқ” - *leugnen* “рад қилмоқ” феъллари) ҳамда вақтинча муносабат семаларидир (қиёсл. *versprechen* “ваъда бермоқ” - *bereuen* “ачинмоқ” феъллари).

7. Отларнинг лексик-семантик вариантларининг тизимли-коммуникатив таснифи лексик-семантик тизимнинг тил бошқа сатҳлари категориялари билан алоқаларини ҳисобга олиш асносида амалга оширилади. Ҳозирги немис тилида отларнинг лексик-семантик вариантларининг қуйидаги намуналарини қиёслаймиз:

1) род категориясида ўзгариш содир бўладиган *Foto* <Neutrum> (фотография) ҳамда *Foto* <Maskulinum> (фотоаппарат) каби морфосемантик вариантлар;

2) деривацион-семантик вариантлар. Бундай вариантларга мулоқот жараёнида қисқаришга учрайдиган ясама ва қўшма сўзлар киради. Масалан: *Eisenbahn* (темирйўл) ҳамда *Fahrbahn* (тўшама йўл) сўзларининг қисқаришидан *Bahn* сўзи ясалган; бундай ўзгариш немис тилидаги отларга хос бўлган икки тенденцияни намоён қилади: сўз қўшишининг ниҳоятда фаол ва маҳсулдор эканлиги ҳамда бир вақтнинг ўзида ўта мураккаб сўзларни соддалаштириш имкониятига эгаллиги;

3) фразеологизмлар ясаилишида фаол иштирок этиши сабабли фразеологик бирликлар компоненти бўлган отларда янги маънолар ҳосил бўлади, натижада фразеосемантик вариантлар юзага келади. Қиёсланг: *Nase* (бурун) сўзи *Ich habe eine tüchtige Nase bekommen* (Даққи едим) фразеологизми таркибида қўлланиши натижасида

тараққиёти жараёнида алоҳида бир босқич сифатида мазкур тилнинг регрессини кўрсатади.

Умуман олганда, турли даражадаги подсистемаларни нисбатан алоҳида ажратиб олиб ўрганиш очик, динамик, гетероген тизимлар қаторига кирувчи алоҳида олинган тилнинг умумий тизимини ўрганиш усулларида бири сифатида қабул қилиниши шарт. Тил тизимининг очиклиги шундан иборатки, у жамиятдан ажралган ҳолда эмас, балки жамият тараққиёти, тажриба ва амалиётга таянган инсон тафаккури (биологик, кибернетик ва бошқа тизимлардан фарқли ўларок) билан бирга ривожланади.

Тилнинг ижтимоий табиати унинг объективлигини тақозо этади. Тил бошқа ижтимоий ҳодисаларга қараганда жамиятда содир бўладиган иқтисодий ва сиёсий ҳодисаларга сезгирлиги пастроқ бўлади, бироқ бу унинг барча таркибий қисмларида бир хил кечади деган маънони англатмайди. Умуман олганда, тилнинг табиати мазкур тилдан фойдаланувчи жамият билан белгиланмайди, балки у, асосан, инсонлар ўртасидаги мулоқот учун ишлатилади.

Умумназарий ҳолатлар синчковлик билан тўпланган фактологик материалларни чуқур ўрганишга асосланади.

1. Эвфемистик кинояга нисбатан тилда мавжуд бўлган яширин имконият, айниқса стигматик маънога (камситилганлик оттенкасига) эга бўлган полисемантик лексемаларда яққол намоён бўлади ва бир-бирига яқин бўлмаган ассоциатив семаларнинг яқинлашувига асосланади. Масалан, *Schnee* “қор”, *Rauschgift* “наркотик (героин ёки кокаин)” лексемаларининг киноя маъноси *Rauschgift* семасининг фаоллашуви билан ҳосил бўлади, кўринадикки, кристалларнинг ранги (ёки шакли)ни ифодаловчи ассоциатив семалар базасида *Schnee* лексемасининг семантик таркибига кириши бу икки тушунча ўртасидаги боғланишни аниқлаш имконини беради.

2. Маълум бир мулоқот вазиятида сўзнинг дастлабки (аввало ўз) маъноси ҳосил бўладиган ва тил белгисининг мотивацион муҳитда ўзгариши асосида кечадиган жараён алоҳида эътиборга молик. Масалан, *der Tee war so schwach, dass er zu wenig Kraft hatte, um aus der Kanne zu laufen.* - Чой шунчалик суюлиб қолган эдики, ҳатто чойнақдан қуйилмас эди. *Schwach* “суюқ” компоненти *der Tee ist schwach* “суюлиб қолган чой” турғун бирикмаси таркибида қайта анланган маъно касб этган, натижада *schwach* сўзининг “физик жиҳатдан суюқ” каби ўз маъноси ҳосил бўлган ва “чой шунчалик суюлиб қолган эдики, ҳатто чойнақдан қуйилмас эди” каби комик эффект юзага келишига сабаб бўлган.

3. Сўзлашувга хос ва публицистик лексикани қиёслаш шуни кўрсатадики, сўзлашувга хос бирликлар газета услубида таъсир кўрсатиш вазифасини бир маъноли тарзда мужассамлаштиради. Бундай номлашнинг ўзига хос жиҳатлари публицистик қайта англаш натижасида юзага келган.



2-расм. Гуллар ўстиришига мўлжалланган гелиоиссиқхонанинг ички кўриниши.

Гелиоиссиқхона асосан қуёш энергияси ҳисобидан иситилиб, унинг қиш ойларидаги радиацион режими 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал

Гелио-иссиқхона тиниқ юзасидан ўтувчи энергия	Вақт							Кун давомида
	12	11	10	9	8	7	6	
		13	14	15	16	17	18	
Q_T (кЖ/м ² соат)	512	460	382	310	230	90	20	3496
Q_C (кЖ/м ² соат)	30	30	26	23	19	14	8	270
ΣQ (кЖ/м ² соат)	542	490	408	333	249	104	28	3766

1-жадвалда Q_T – тиниқ юза орқали ўтувчи тўғри қуёш энергияси миқдори, Q_C – тиниқ юза орқали ўтувчи сочилган қуёш энергияси миқдори, ΣQ – йиғинди энергия миқдори.

3-расмда гелиоиссиқхонанинг қиш фаслидаги (14-15.01.2015) ташқи ҳаво ҳароратига нисбатан ички ҳаво ҳарорати ва намлик режимининг суткалик ўзгариши келтирилган бўлиб, унда 1-қуёш энергиясининг гелиоиссиқхона ичига кунлик ўтувчи қисми ($\Sigma Q_{ут}$); 2-ички ҳаво ҳароратининг суткалик ўзгариши ($T_{ич}$); 3-ташқи ҳаво ҳароратининг суткалик ўзгариши ($T_{таш}$); 4-ички ҳаво нисбий нам-

лигининг суткалик ўзгариши ($\varphi, \%$); 5- ва 6- лар гелиоиссиқхонада гуллар парвариш қилинадиган тупроқ қатламида (0,1-0,2 м чуқурликларда) суткалик температура ўзгариши.



3-расм. Гелиоиссиқхонанинг радиация ва ҳарорат-намлик режимининг суткалик ўзгариши.

Булутли кунлар ва ташқи ҳаво ҳарорати кескин пасайган даврларда гелиоиссиқхона унинг яқинида қурилган биогаз қурилмасидан олинган метан газни ҳисобидан иситилади (4-расм).



4-расм. Муборакнефтогаз УШК ёрдамчи фермер хўжалигида қурилган биогаз олиш қурилмаси.

Бунда кичик қозон қурилмасида сув иситилиб, табиий ёки насос ёрдамида гелиоиссиқхонада ўрнатилган ҳамда диаметри $d = 100$ мм қувурлар орқали ҳайдалади. Натижада, қувур сирти билан ички ҳаво ўртасида табиий конвектив иссиқлик алмашинуви содир бўлади ва гелиоиссиқхона ичидаги ҳаво исийди. Бу жараёнда содир бўладиган конвектив иссиқлик алмашинувини ҳисоблашда қуйида-

ТАҚРИЗ

ТИЛНИНГ ТИЗИМЛИ-КОДИФИКАЦИОН ҚУРИЛИШИДА СЎЗ МАЪНОСИНИНГ КАТЕГОРИАЛЛИГИ

Ахмедов А.Б. (ҚарДУ)

СамДЧТИ профессори Т.А.Бушуй “Тилнинг тизимли қурилиши” номли монографиясида [Тошкент: Фан, 2014. -232 б.] тил тизимининг турли сатҳларида лингвистик концептуаллик масаласини комплекс равишда ўрганади. Мазкур ишда олимнинг назарий қарашлари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Ҳар қандай жонли тилнинг тизимли хусусияти исбот талаб қилмайди, бироқ тил тизимининг ўзига хослиги масаласи ҳануз етарлича ўрганилмаган. Буни систем фалсафа умумий назарияси ёки типологик филология каби фанлар томонидан ўрганиладиган тизимнинг бошқа тизимлардан принципиал жиҳатдан фарқ қилиши, мазкур тизимнинг ўзига хос жиҳатлари билан изоҳлаш мумкин.

Тил тез ўзгарувчан тизим бўлиб, моддий оламни гносеологик тарзда акс эттириш объекти сифатида мустақкам асосга қурилган. Жонли тил учун хос бўлган тафаккурнинг категориял структураси формал-мантикий асосга қурилган бўлиб, тил (инвариант сифатида) ана шу замин атрофида қўлланишда бўлади.

Тафаккур категорияси тизими тил ва тафаккур билан бирга ривожланади. Шу билан бирга тасвир объектининг умумий жиҳатларини акс эттирувчи аниқ тарихий категориялар тармоғи ҳам мавжуд. Умумий категориялар тизими турли тилларда жуда кам ўзгаришга учрайди. Тафаккурнинг стихияли равишда пайдо бўладиган умумкатегориял структураси аниқ фанлар тилида сезиларли даражада аниқлашади ва катта қўламдаги мазмун касб этади.

Тилнинг тизимли қурилиши қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: 1) физик-моддий; 2) субстанционал-мазмуний; 3) функционал-дистрибутив; 4) ижтимоий-дистрибутив; 5) субординатив (аниқ тиллар катта тил тизими подсистемаси сифатида); 6) интегратив (тил парциал тизими – жамият яхлит тизимининг ўзига хос подсистемаси сифатида). Ушбу барча жиҳатлар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирига таъсир кўрсатади.

Тил тизими тараққиёти қуйидагиларда кўринади: 1) қўлланиш интенсивлиги даражасининг ўзгариши, 2) ички яхлитлик даражасининг ўзгариши. Тил бажарадиган функцияларнинг кўпайиб ва мураккаблашиб бориши ва бунинг натижасида унинг тизимли компонентларида ўзаро таъсир ва алоқаларнинг кучайиши (яъни тизимли қурилиш даражасининг кўтарилиши) тил тараққиётида прогресс мавжуд эканлигини кўрсатади. Тил бажарадиган функцияларнинг камайиб бориши (тил тизими ички алоқаларининг кучсизланиши билан кечадиган) дунё тиллари ўзаро таъсири ва умумий

- ташкилотда маълумот алмашуви ёмонлиги натижасида зарур қарор ишлаб чиқиш имкониятининг йўқлиги;

- ижтимоий рағбатлантириш сустилиги натижасида ҳамкорлик муносабатлари шаклланмаганлиги;

- вазифани бажариш учун сарфланадиган вақтнинг камлиги;

- вазифанинг ҳал этилиши авторитар услубни талаб этадиган алоҳида вазиятларда [4:32-33].

Юқорида қайд этилган раҳбарлик услублари соф ҳолда учрамайди. Ҳаётда ҳар бир раҳбарнинг иш услуби ҳар хил бўлади, лекин юқоридаги услублардан бири яққолроқ сезилиб туради. Турли хил вазиятларда раҳбар ўз ходимларига нисбатан бошқарувнинг юқорида тавсифланган тўртала услубдан фақат ижобий томонларини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бошқарув амалиётида уларнинг ҳар қайсисидан унумли ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш жамоа аъзолари ўртасида шахслараро муносабатларни юксакликка кўтарди ва илиқ руҳий муҳитни шакллантиради.

Умуман олганда, ҳозирги замон раҳбари ишбилармон, уддабурон, теран фикрли, ўта синчков шахс бўлиши, раҳбарлик фаолиятининг ҳар бир жабҳаси ва функцияларини юқори даражада эгаллаб олиши, замонавий бошқарув усулларини пухта ўзлаштириши, тобе кишилар, ижрочилар, ёрдамчилар орасида ўзининг ҳар томонлама устуворлиги билан ажралиб туриши, обрў-эътибор, нуфуз орттириши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004.
2. Генов Ф. Психология управления. – М.: Прогресс, 1982. - С. 422.
3. Каримова В. Ижтимоий психология. - Тошкент: ТДИУ. - 2012. -122 б.
4. Маҳмудов И. Бошқарув психологияси.- Тошкент: YUNAKS-PRINT МЧЖ, 2006. - 232 б.
5. Ғозиев Э., Тошимов Р. Менежмент психологияси. - Тошкент: ЎзМУ, 2001. - 144 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошқарув фаолиятида анъанавий ва замонавий бошқарув услубларидан фойдаланишнинг аҳамияти ўрганилган. Муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар мазкур муаммони бугунги кунда ҳам чуқур ўрганиш кераклигини кўрсатади.

РЕЗЮМЕ

В статье изучено значение использования традиционных и современных стилей управленческой деятельности. На основании проведенного исследования автором было выявлено, что на сегодняшний день эта проблема требует тщательного изучения.

SUMMARY

The using importance of traditional and modern styles to management activity. Was investigated in this article. On the grounds of called on studies by author was revealed that for present-day.

Нашрга псих.ф.д. А.Жабборов тавсия этган

ги Грасгоф ва Релей критерийлардан фойдаланамиз [4]:

Re

$$Gr = \frac{\beta \cdot g l^2 \cdot \Delta t}{\nu^2} \quad (6)$$

$$Ra = g \beta \Delta t \frac{l^2}{\nu \cdot \alpha} \quad (7)$$

Гелиоиссиқхонада ҳавонинг ҳаракат тезлиги $\nu = 0,32$ м/с бўлганда ҳисоблашлар оқим режимининг ламинар бўлишини кўрсатади. Шу сабабли иссиқ сув оқадиган қувур сиртидан ҳавога иссиқлик бериш коэффициентини

$$\alpha = \frac{Nu_c \cdot \lambda_c}{d} \left[\frac{Bm}{m^2 \cdot K} \right] \quad (8)$$

ҳисоблашда Грасгоф (Gr) ва Прандтль (Pr) сонлари орқали ифодаланган куйидаги Нусселт критерийидан фойдаланамиз:

$$Nu = 0,535 Gr^{\frac{1}{4}} Pr^{\frac{1}{3}} \quad (9)$$

Юқорида келтирилган (8) ва (9) тенгламаларга асосан гелиоиссиқхона ҳавосига биогаз қозон қурилмасидан бериладиган қўшимча иссиқлик миқдори куйидагига тенг бўлади:

$$Q = \alpha F (t_k - t_n) \tau \quad (10)$$

Тажрибаларда биогаз қурилмаси қувурларининг узунлиги $l = 144$ м, диаметри $d = 100$ мм, иссиқ сувнинг қувурга кириш температураси $t_k = 120$ °С, сувнинг кинематик ёпишқоқлик коэффициенти $\nu = 16 \cdot 10^{-6}$ м²/с $Pr_c = 0,7$, қувурнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти $\lambda_c = 0,0267$ Вт/(м²·с) ва сирти $F = 2\pi R \cdot l = 90,5$ м² га тенг деб қабул қилиб, (10) га асосан сутка давомида қўшимча иссиқлик миқдори учун куйидагига эга бўламиз:

$$Q = \alpha F (t_k - t_n) \tau = 15,2 \cdot 90,5 \cdot 100 \cdot 86400 = 11885184 \text{ кЖ}$$

Гелиоиссиқхонада декоратив ва анвойи гуллар етиштириш бўйича 2014-2015 йилларда олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида куйидагиларга эришилди:

1) киш фаслида қуёш энергиясидан самарали фойдаланилганда иссиқхоналарни иситиш учун сарфланадиган 35%–40% ёқилғи энергиясини тежаш мумкинлиги қайд этилди;

2) ҳар йили 1 м² экин майдонидан 80 та гул кўчати етиштириш мумкинлиги кузатилди;

3) товар шаклида (очиқиб турган) гуллардан Муборак шаҳрини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш объектларига, ҚХК ва мактабларга, яъни уларга тегишли ҳудудлар ва ўқув биноларига ўрнатиш учун тувакли кўчатлардан 2400 та ҳомийлик билан етказиб берилди.

Шундай қилиб, қуёш-биогаз мажмуасидан фойдаланган ҳолда йил давомида турли хил гуллар етиштириш мумкинлиги асослаб берилди.

Адабиётлар

1. Аллакулов П.Э., Хайриддинов Б.Х., Ким В.Д. Нетрадиционная теплоэнергетика. – Ташкент: Фан, 2009. – 132 с.
2. Бекетт К. Растения под стеклом. – М.: Мир, 1988. – 189 с.
3. Драганов Б.Х., Есин В.В., Зуев В.П. Применение теплоты в сельском хозяйстве. – Киев: Высшая школа, 1983. – 231 с.
4. Михеев М.А., Михеева И.М. Основы теплопередачи. – М.: Энергия, 1977. – 312 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада гул етиштиришга мўлжалланган “Қуёш-биогаз мажмуаси” таркибига кирувчи гелиоиссиқхонанинг радиацион, ҳарорат ва намлик режимлари ўрганилган. Гелиоиссиқхона ҳавосига биогаз қозон қурилмасидан берадиган қўшимча иссиқлик миқдори қийматлари аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В работе проверены результаты исследования радиационных, температурных и влажностных режимов гелиотеплицы, входящей в состав “Комплекса Солнце-биогаз”, в которой выращивают цветы. Определены дополнительные значения количества тепла, поступающего от биогазовой котельной установки в воздух гелиотеплицы.

SUMMARY

Radiational, temperature and wet schedule table of helio hot houses, including in the composition of “complex sun-biogas” which growing flowers are investigated in this article. Additional significance of quantity of heat, sliding into biogas of boiler installation, on the, air of helio hot house is determined.

РАДИАЦИОННЫЙ РЕЖИМ ПЛАСТИКОВОГО АККУМУЛЯТОРА ТЕПЛА

Халимов Г.Г., Халимов А.Г., Хайриддинов Б.Э.,
Бабаджанов Ю.Т., Садыков Ж.Д. (КарГУ)

Ключевые слова: пластиковая бутылка, аккумулятор тепла, полиэтилентерефталаат, шахматная упаковка, лучевоспринимающая поверхность, облученность, геометрические параметры, площадь поверхности, суммарная радиация, радиационный режим.

Тепло-технологическая экономичность гелиотеплиц определяется эффективностью аккумуляирования тепла солнечного излучения в дневное время при его избытке и возврат в теплицу при его дефиците в ночное время, что обеспечивает экономию традиционных топливных затрат на отопление теплицы.

Теплоаккумулирующими элементами гелиотеплиц являются массивы самой конструкции (стены, грунт), а также дополнительные массивы в стене или в почве. В качестве теплоаккумулирующих материалов используются бетон, кирпич, песок, гравий, вода и т.д. С тепло-технологической точки вода обладает приоритетными качествами: имеет наибольшую теплоемкость и является дешёвым материалом. Например, при коэффициенте замещения $f=0,4$ для

ёни ҳар хил тарздаги ёндашувни амалга оширишни тақозо этади. Мутахассислар фикрича, кўпгина ҳолларда ижтимоий психологик вазиятларнинг ўзи либерал услубдан фойдаланиш заруриятини вужудга келтиради. Либерал услубда жамоода демократик тамойиллар ҳукм суради, ходимга буткул эркинлик берилади, у ўз хизмат вазифаларини белгилайди ва ижро этиш воситасини танлайди, гуруҳда ҳулқни назорат этиш деярли қузатилмайди. Умумият фикри, яққаҳол қатъият ўрнини ён бериш, вазият билан ҳисоблашиш, яъни либерал муносабатлар эгаллайди. Шунинг учун ҳам реал психологик ҳолат, ходиса муҳитидан келиб чиққан ҳолда либерал услубни қўллаш низоли, можароли вазиятнинг олдини олишга хизмат қилади [5:127].

Бундай услуб юқори ижодий кучга эга бўлган ва меҳнат жараёни бенуксон йўлга қўйилган жамоаларда қўлланилиши мумкин. Лекин ҳаммиша муросачилик билан иш юритиш раҳбар обрўсига путур етказди. Энг ачинарлиси, бундай услуб ноўрин қўлланилганда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ташаббускор бўлиши билан бирга, уларни маълум мақсад сари йўналтирувчи куч жамоода бўлмайди, қабул қилинган қарорлар назорати суств бўлгани учун улар бажарилмай қолиб кетиши ҳам мумкин. Натижада ходимлар ўз меҳнатидан ва раҳбариятдан қониқмайдилар, жамоода иш самарадорлиги пасайиб, ўзаро ҳамкорлик йўқола боради, бунинг натижасида бир-бири билан қиришмайдиган гуруҳларга бўлиниш эҳтимоли кўпаяди ва гуруҳлараро очиқ ёки яширин низолар юзага кела бошлайди.

Бошқарув услубига анъанавий ёндашувдан ташқари бир қатор замонавий ғоялар ҳам қириб келдики, уларни билиш раҳбарлик услубини янада ихтиёрый идора этиш имкониятини беради. Бундай замонавий бошқарув услубларидан бири партисипативлик услуби ҳисобланиб, унда раҳбар ташкилот ёки идора мақсадига эришиш йўлида ходимлар билан горизонтал йўналишдаги муносабатларни амалга оширади. Бугунги кунда мутахассислар айнан партисипативлик услубини энг самарали услублар қаторида кўрмоқдалар. Бундай услубдаги раҳбар фаолиятида ходимлари билан мунтазам фикр алмашиб туриш, раҳбар ва ходим муносабатида очиқлик ва самимийлик қузатилади. Партисипатив услубдаги раҳбар ходимларни ташкилий қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этади, шунингдек, раҳбар ўз бурч ва ҳуқуқларининг маълум қисмини ходимлар зиммасига ўтказди ва вақти-вақти билан назорат ишларини амалга оширади. Ташкилот вазифаларини режалаштириш ва амалга оширишда ходимлар жалб этилади. Лекин партисипатив услубни қўллашга баъзи бир омиллар тўсиқ бўлиши мумкин. Ҳусусан:

- раҳбар ўз ваколатларини ходимлар билан бўлишишни истамаганда;

- ходим қасбий маҳоратининг пастлиги, ўз кучига ишонмаслиги, бирон ишни мустақил бажаришдан чўчиши;

ритар услубда бир қатор ижобий белгиларни ҳам топиш мумкин. Масалан, бу типдаги раҳбарлар анча-мунча чакмоқ тезлигидаги реакцияга эга бўлиб, чакқон ва доно, қийинчиликларни кўркмай бартараф эта оладилар. Ўзларига қаттиқ ишонадилар, ишда тез ва дадил қарорлар қабул қиладилар ҳамда уларни бажариш учун қаттиқ киришадилар. Бу каби услубда таъсир тезлашади, бу эса фаолиятдаги мураккаб ҳолат ва шароитларни бартараф этишда қўл келади. Масалан, фавқулодда ҳолатларда, бундан ташқари, бўйсунувчиларнинг маданий даражаси паст ҳолларда, жамоа мулки суниистемол бўлаётганда, ички тартиб-интизом бўшашганда, асосиз ёзишмалар бўлиб турган жамоаларда бу услуб қўлланилганда ижобий натижалар беради. Бундай шароитда, доимий назоратнинг мавжудлиги юқори меҳнат кўрсаткичига эришишни ҳам таъминлайди.

Жаҳонда кенг оммалашиб бораётган раҳбарлик тоифасидан бири – демократик ишлаш услубига эгалиқдир. Демократик услуб шериклик, ҳамкорликка асосланган бошқарув услуби ҳисобланади. Бундай услуб ҳукм сурган жамоаларда бошқарув қарорлари ходимлар билан муҳокама қилиш орқали, уларнинг фикри ва ташаббусини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Шунингдек, қарор ижросининг назорати ҳам раҳбар, ҳам ходимлар томонидан амалга оширилади, раҳбар ходимга шахс сифатида қарайди, унинг эҳтиёж, манфаат ва қизиқишларини инобатга олади.

Демократик услубнинг энг муҳим ижтимоий-психологик томони шундан иборатки, унда жамоа аъзолари ўртасида яқинлик, ўзаро ишонч, ўзаро ҳурмат, жавобгарлик, масъулият, ижтимоий бурчга содиқлик ҳис-туйғулари шаклланади. Демократик услуб энг самарали бошқарув воситаларидан ҳисобланиб, уни қўллашда тўғри қарор қабул қилиш эҳтимоли ошади, меҳнат самарадорлиги таъминланади, бажарилаётган ишдан ва жамоага аъзоликдан қониқиш ўсади, гуруҳнинг аҳиллиги ошиб, психологик муҳит ижобийлашади. Бундай жамоада одатда мавжуд ечимларга танқидий кўз билан қаровчи, хатоликларни аниқловчи ходим ва бу хатоликларни бартараф этиш йўлларини таклиф этувчи мутахассис ҳамкорлиги мавжуд. Демократик услубни амалга ошириш раҳбарнинг ақлий, ташкилий ва коммуникатив қобилияти юқори ривожланган шароитда ўринлидир.

Г.Гибш ва М.Форверглар ўз асарларида демократик услубнинг ижобий томонларини таҳлил этиб, бундай бошлиқ раҳбарлик қилган жамоаларда маънавий-руҳий муҳит жуда яхши бўлиши, ишчилар жамоадан, ишдан қониқиш ҳосил қилиши, ишдан кетиш ҳоллари кам эканини кўрсатиб ўтадилар. Бироқ демократик услубда ишлайдиган раҳбар бошқарувидаги айрим жамоаларда ишлаб чиқариш зўрға норма ҳолатида бўлиши, бунинг сабаби, бундай раҳбардан одатда, табиатан дангаса саналган ходимлар кўпроқ фойдаланишга уринишлари муаллифлар томонидан эътироф этилади [3:93].

Бизга маълумки, жамоа ва жамоатчилик билан ишлаш жара-

гелиотеплицы в условиях г. Карши, необходимая масса и объем водяного аккумулятора соответственно в 5 и 2,5 раза меньше, чем бетонного. Применение водяных аккумуляторов тепла имеет свои трудности: требуется создание больших емкостей и их оптимальное размещение, защита емкостей от коррозии и гидроизоляция.

Эффективными методами создания водяных аккумуляторов любой ёмкости и конфигурации является применение использованных пластиковых бутылок (ПБ) из-под различных напитков. И использованные ПБ (как утиль) являются дешевым материалом. Помимо их промышленной утилизации, они широко используются как вторичный материал для различных целей.

ПБ изготавливаются из полиэтилентерефталата, обладают важными определяющими качествами: высокая светопрозрачность (88...90%), высокие диэлектрические свойства, температура плавления 260, температура длительного использования 70 С, трудно-горючий материал (не поддерживает горение в атмосфере), высокая химическая стойкость и санитарно-экологические преимущества, устойчивость на разрыв и ударостойкость, выдерживают низкие температуры (более -40°С). Стойкость к ультрафиолетовому излучению и погодным условиям позволяют использовать ПБ на открытом воздухе в течение длительного времени (более 10 лет) без заметного изменения прочностных и светотехнических характеристик. При температурных колебаниях пластиковые бутылки, заполненные водой, выдерживают значительные давления термического расширения воды. При замерзании воды не разрушаются, не теряют герметичность.

С другой стороны, ПБ, как теплоаккумулирующие элементы можно компоновать и перестраивать в любых формах, как в вертикальных, так и горизонтальных массивах.

Рассмотрим задачу облученности пластиковых бутылок (ПБ) из полиэтилентерефталата (ПЭТ), как элементов водяного аккумулятора тепла [1-3], расположенных горизонтально.

При горизонтальном расположении ПБ естественной будет шахматная упаковка, лучевоспринимающей поверхностью будет донная (торцевая) часть ПБ (рис. 1).




Рис. 1. Схема облученности ПБ, расположенных горизонтально.

Донная облучаемая часть ПБ имеет сложную форму (рис. 2а), поэтому в первом приближении принимаем форму торцевой части в виде шарового сегмента (ШС), эквивалентного по объёму донной части ПБ (рис. 2б).




Рис. 2. Схема к определению геометрических параметров донной части ПБ: а – действительная форма донной части ПБ; б – ШС, эквивалентный по объёму донной части ПБ.

Для определения облученности ПБ принимаем следующие геометрические параметры:

Объём ПБ $V=1,5$ л; диаметр $d=0,093$ м, высота $h_0=0,32$ м.

Объём донной части ПБ составляет $V_s=89$ мл (рис. 2б).

Решая уравнение:

$$V_s = \pi \cdot h_v \left(\frac{3}{4} d^2 + h_v^2 \right) / 6 \quad (1)$$

относительно высоты ШС h_v , получим $h_v=0,024$ м.

Площадь поверхности ШС:

$$S_s = \pi(h_v^2 + d^2 / 2) = 0,0154 \text{ м}^2;$$

$r=OA$ – радиус ШС:

$$r = \frac{d^2 + 4h_v^2}{8h_v} = 0,057 \text{ м};$$

$\rho = \angle AOB$ – центральный угол ШС определяется по формуле:

$$r = \frac{d}{2 \sin(\rho / 2)}; \quad (2)$$

откуда получим $\rho = 2 \arcsin\left(\frac{d}{2r}\right) = 109^\circ$.

$l=ACD$ – длина дуги ШС:

$$l = \frac{\pi \cdot r \cdot \rho}{180} = 0,108 \text{ м}.$$

В горизонтальной плоскости угол облученности ШС изменяется в пределах $\alpha=0 \dots \rho$ (рис. 3).

Угол между фронтом ШС и направлением солнечных лучей β изменяется симметрично от 0° до 90° до полудня и от 90° до 180° после полудня. Поэтому угол β достаточно рассматривать в интервале от 0° до 90° .

Угол β , при котором угол облученности поверхности ШС

бошқарув усуллари, шунинг билан биргаликда, партасипативлик, вазиятга қараб бошқарув ва бошқа замонавий услублар ҳақида беҳисоб ҳам назарий, ҳам амалий материаллар тўпланган ҳамда таҳлил қилинган. Қуйида раҳбарнинг иш услублари (авторитар, демократик, либерал ва бошқ.), шу билан боғлиқ равишда бу услубларни қўллашнинг ижобий ва салбий жиҳатлари тўғрисида ўз қарашларимизни баён этишга ҳаракат қиламиз.

Бошқарув психологияси соҳасида турли раҳбарлик услубларини ўрганиш азалдан Ғарб олимларининг диққат-марказида бўлган. Бу борада Г.Гибш, М.Форверг, Б.Басс, Д.Барретта, К.Берд, К.Левин, Р.Лайкерг, Л.Берковец, В.Хейтхорн, Ф.Фидлер, Д.Мак-Грегор ва бошқа олимларнинг илмий изланишлари таҳсинга лойиқдир. Улар асарларида шахслараро муносабат хусусиятлари, раҳбарнинг иш услублари ва уларни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб ўтилган. Бунинг учун муаллифлар раҳбарлик этикаси ва қўлидаги ҳукмронлик имконияти, авторитети масалаларининг ижтимоий психологик механизмлари ролига алоҳида баҳо берадилар.

Бошқарув услубини фарқлашдаги анъанавий ёндашувлардан бири немис психологи К.Левин томонидан киритилган типология ҳисобланади. Муаллиф жаҳон психологиясидаги турли назарияларга асосланган ҳолда раҳбарлик типологиясини яратиб, унинг авторитар, демократик ва либерал услубларини таърифлайди. Бунинг учун муаллиф жамоа ҳаётида раҳбарнинг аҳамияти ва роли масаласини ёритишга интилади ҳамда бу борада муайян ютуқларга эришади. Раҳбар типларининг психологик табиати муаллиф томонидан кенг қўламда баён қилинади ҳамда изоҳлаб берилади.

К.Левиннинг фикрича, авторитар услуб бошқарувда энг кўп учрайдиган услублардан бири бўлиб, унинг иш жараёнида бошқарув ҳуқуқини тўлиқ ўз қўлига олиш, ташкилот фаолияти билан боғлиқ асосий муаммоларни яқка ўзи ечишга ҳаракат қилиш, буйруқ чиқариш ва бир қарорга келишда жамоа фикрини ҳисобга олмаслик каби ҳаракатлар тез-тез учрайди. Бунда ходимларга нисбатан бўлган қўпол муносабат, ҳаддан ташқари қаттиққўллик улардаги ташаббускорлик ва мустақилликни чегаралаб қўяди. Энг асосийси, ҳар қандай вазиятда ходимларнинг меҳнат жараёнига муносабатлари, айрим шахснинг манфаатлари психологик жиҳатдан эътиборга олинмайди [2:362]. Ишончимиз комилки, бундай услуб таъсирида инсон ўз меҳнатида қониқмайди, унинг натижаларидан бегоналашиб қолади, натижада меҳнат унумдорлиги пасаяди, иш сифати ёмонлашади. Энг ёмони бундай раҳбар назоратдан четда қолса, ўша ерда дағаллик, такаббурилик, тазийқ ўтказиш, мажбур қилиш каби ўта салбий ҳолатлар авж олиши мумкин.

Биз авторитар раҳбарга берган тавсифда кўпроқ унинг салбий томонларига эътибор бердик. Аммо шу билан биргаликда, авто-

**МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВДА РАҲБАРЛИК УСЛУБЛАРИДАН
Фойдаланишнинг мазмуни ва унинг ўзига хос
хусусиятлари**

Ёзиев Э. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: давлат, меҳнат жамоаси, бошқарув, раҳбар, ходим, услуб, авторитар, демократик, либерал, партасипативлик.

Мустақил ривожланиш йўлидан бораётган жонажон Ватанимизда ўтган қисқа вақт давомида асрга татиғулик ўзгариш ва янги-ланишлар рўй берди. Президентимиз И.А.Каримов истиклолнинг биринчи кунлариданоқ собиқ иттифоқнинг асосий илллати бўлган маъмурий буйруқбозликка ҳамда марказлашган режалаштириш ва тақсимлашга асосланган бошқарув тизимидан воз кечиб, демократик, бозор муносабатлари талабларига мос бошқарув тизимини шакллантиришга ҳаракат қилди. Бу жараён аввало ишни миллий давлатчилик асосларини яратиш, бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, миллий менталитетимиздан, халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, унинг мукамал механизминини яратишдан бошлангани муҳим аҳамиятга эга. Раҳбарлик лавозимида ўтирганларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш, уларнинг масъулиятини ошириш, давлат идоралари иқтисодиётга ноқонуний аралашувни чеклаб қўйиш, қонун ҳукмронлигини ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида тўлиқ таъминлаш, қонунга итоат қилиб яшашга ўргатиш бошқарув соҳасида олиб борилган ислохотларнинг мазмунини ташкил этди [1:365].

Бугунги кунда бошқарув соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар раҳбардан замонавий бошқарув услубларини пухта эгаллашни, улардан корхона ва ташкилотларни бошқаришда самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Шу ўринда раҳбарнинг бошқарув услуби деганда, маъмурият ва раҳбариятнинг ўз фаолиятида қўллайдиган таъсир ўтказиш усуллари, йўл-йўриқлари мажмуаси тушунилади. Маълумки, раҳбарнинг иш услуби унинг ўз қўл остидагилар билан алоқасида, улар билан бўладиган ўзаро муносабатларида таркиб топади. Ҳар бир раҳбар ўзича индивидуал, яъни қайтарилмас бўлиб, ўз иш фаолиятинини, бошқарув фаолиятинини ўзига хос тарзда ташкил этишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам бошқарув услубини раҳбарнинг шахсий сифатлари йиғиндиси, раҳбарнинг бўйсунувчилар билан ўзаро муносабати, раҳбар ўз фаолиятида қўллаётган усуллар ва йўл-йўриқлар йиғиндиси, деб қараш айна ҳақиқатдир.

Раҳбарнинг бошқарув услубларинини ўрганиш психология тарихида сезиларли ўрин эгаллайди. Айниқса, ижтимоий психология ва менежментга оид адабиётларда бошқарув усулларинини анъанавий ва замонавий туркумларга бўлиб ўрганиш одат тусига айланган. Жаҳон ижтимоий психологияси фанининг турлича йўналишлари, ҳар хил хусусиятли намоёндалари томонидан ҳозирги замон бошқарувидаги авторитар, демократик ва либерал каби анъанавий

составляет $\rho = 109^\circ$ равен:
 $\beta > \rho/2 = 54,5^\circ$.

Азимут цилиндрической поверхности Ψ_n , угол между нормалью $k-k$ к поверхности в точке падения луча и нормалью $n-n$ к фронту ПБ, равен:

при $\beta > 54,5^\circ$ - $\Psi_n = \Psi_o$;
при $\beta < 54,5^\circ$ - $\Psi_n = \Psi_o - i_e = \Psi_o + \alpha - 90^\circ$. (3)




Рис. 3. Схема геометрии облученности ПБ в горизонтальной плоскости.

Из треугольника ΔAOD имеем
 $DA^2 = AO^2 - DO^2 = r^2 - DO^2$. (4)

В треугольнике ΔCBD угол $\angle CDB$ является прямым. Следовательно:

$$BD = d \sin \beta. \quad (5)$$

Тогда:

$$DO = BO - BD = r - BD = r - d \sin \beta. \quad (6)$$

с учетом (3), (2) примет вид:

$$DA^2 = r^2 - (r - d \sin \beta)^2. \quad (7)$$

После преобразований получим:

$$DA = \sqrt{d \sin \beta (2r - d \sin \beta)}. \quad (8)$$

Из треугольника ΔAOD получим:

$$\sin \alpha = DA / r = \sqrt{d \sin \beta (2r - d \sin \beta)} / r. \quad (9)$$

Угол β определяется по азимуту Солнца:

$$\beta = 90 - \Psi_o, \text{ при } 0 < \Psi_o < 90^\circ. \quad (10)$$

Угол облученности цилиндрической поверхности ПБ:

$$\text{при } \beta > 54,5^\circ - \alpha = 109^\circ. \quad (11)$$

$$\text{при } \beta < 54,5^\circ - \alpha = 109 - \arcsin(\sqrt{d \sin \beta (2r - d \sin \beta)} / r). \quad (11a)$$

Длина дуги цилиндрической поверхности облучения:

$$L_{AB} = \frac{\pi \cdot r}{180} \alpha. \quad (12)$$

Угол между нормалью $k-k$ к цилиндрической поверхности и

точке падения луча и направлением луча i_z определяется из ΔAOD :
до полудня $i_z = \Psi_o - \Psi_n$; (13)

после полудня $i_z = \Psi_o + \Psi_n$.

Коэффициент полезного действия ПБ определяется соотношением:

$$\eta = Q_{np} / Q_n, \quad (14)$$

где Q_n – прошедшая в гелиотеплицу, падающая на перпендикулярную лучам поверхность Вт/м²;

Q_{np} – суммарная радиация, прошедшая в ПБ, Вт/м².

Как показали эксперименты, сезонное, так и дневное изменения КПД ПБ η определяется высотой солнцестояния h_o . Среднедневные значения КПД ПБ за октябрь-апрель составляют $\eta = 66,3...43,4$ %.

Литература

1. Якубов Ю. Н. Аккумуляция энергии солнечного излучения. –Ташкент: Фан, 1981. - 104 с.
2. Хайриддинов Б.Э, Садыков Т.А. Комбинированные гелиотеплицы-сушилки. - Ташкент: Фан, 1992. -184 с.
3. Даффи Дж.А., Бекман У.А. Тепловые процессы с использованием солнечной энергии. –М.: Мир, 1977. - 420 с.

РЕЗЮМЕ

Рассмотрен радиационный режим пластиковых бутылок ПЭТ, заполненных водой, как теплоаккумулирующих элементов прямого поглощения солнечной радиации в гелио теплицах.

РЕЗЮМЕ

Ишда гелиотеплицаларда куёш радиациясини тўғридан тўғри ютувчи ва иссиқлик аккумуляцияловчи элемент сифатида қўлланиладиган сув билан тўлдирилган пластик бутилкаларнинг радиацион режимлари ўрганилган.

SUMMARY

It is Considered that radiation mode of the plastic bottles PET, filled by water, as heat accumulation element of the direct absorption to solar radiation in the helium hot house.

СОВЕРШЕННЫЕ ФОРМЫ ОТ ЧЕТЫРЕХ ПЕРЕМЕННЫХ

Гуломов О.Х. (КарГУ)

Ключевые слова: совершенная форма, арифметический минимум, целочисленно эквивалентными, совершенный гоноэдр, окрестность Вороного.

1. **Введение.** Пусть задана положительно-определенная квадратичная форма (п.к.ф) от переменных x_1, \dots, x_n :

$$f \equiv f(x) \equiv f(x_1, \dots, x_n) = \sum_{1 \leq i, j \leq n} a_{ij} x_i x_j \quad (1)$$

с вещественными коэффициентами $a_{ij} = a_{ji}$, с определителем $\det f = \det(a_{ij}) > 0$ и $m = m(f)$ - арифметический минимум формы

лаш – маънавий хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлини топиш демак. Ёвузлик манбаи эса инсоннинг ўзидир. Ундаги иллатлар маънавий ятни емирувчи манбалар ҳисобланади. Шахс маънавий хавфсизлигини таъминлаш учун унинг ички маънавий борлигини мустаҳкамлаш, ҳаётнинг асл мазмуни ва мақсадини англаб етиш зарур [10].

Фалсафий мулоҳазалар таҳлили шуни кўрсатадики, шахс маънавий хавфсизлиги ижтимоий муҳитнинг, шунингдек, бир мақсадга қаратилган таълим ва тарбиянинг бевосита таъсири натижасида шаклланади. Демак, шахс маънавий хавфсизлиги объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсири остида таъминлана борадики, бу шароит ва омиллар ўзаро диалектик алоқадор. Бинобарин, шахсни постмодерн жамият тенденцияларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш механизмини яратаётганда ва рўёбга чиқараётганда ушбу назарий ҳулоса, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузалари, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларидаги нутқларида баён этилган концептуал ғоялар назарий-методологик асос вазифасини ўтамоғи лозим.

Адабиётлар

1. Платон. Диалоги. - Харьков: Фолио, 1999. - С. 157.
2. Аристотель. Политика // Соч. в четырёх томах. Т. 4. - М.: Мысль, 1984. - С. 588.
3. История философии: Запад-Россия-Восток. - М.: Эксмо, 2000. - С. 379.
4. Беседы и суждения Конфуция. – СПб.: Издательство “Кристалл”, 1999. – С. 1120.
5. Макиавелли Н. Государь // Избр. соч. - М.: Мысль, 1982. - С. 375.
6. Гоббс Т. Сочинения. Том 2. - М.: Мысль, 1991. - С. 63.
7. Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре // Трактаты.- М.: Канонпресс, 2000. - С. 59.
8. Достоевский Ф. М. Полн. собр. соч. Т. 28. Ч. 1. - С. 63.
9. Бердяев Н. Судьба России. Опыты по психологии войны и национальности. - М., 1918. - С. 1-29.
10. Евлампиев И.И. История русской философии. – М.: Высш. шк., 2002. - С. 422.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахсни постмодерн жамият тенденцияларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш учун унинг маънавий хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги эътироф этилади. Муаллиф маънавий хавфсизликнинг мазмунига доир фалсафий мулоҳазаларни умумлаштирган.

РЕЗЮМЕ

В статье констатируется необходимость обеспечения духовной безопасности личности от влияния негативных тенденций современного общества. Автор обобщает философские размышления о содержании духовной безопасности личности.

SUMMARY

This article enlightens necessity supplying of its spiritual safety for defonding of person from negative influence of postmodern society tendencies. The author summarised philosophical views concerning to spiritual safety.

Наирга проф. С.Чориев тавсия этган

сизлигини таъминлаш масалаларини ҳам дао контекстида таҳлил қилишга уринадилар. Унда таъкидланишича, инсон табиат бағрига қайтишга муваффақ бўлганидагина ўз хавфсизлигини таъминлай олади. Хитой донишманди Конфуций эса шахс маънавий хавфсизлигини таъминлаш учун жамиятда адолатни қарор топтириш зарурлигини уқдиради. Айни пайтда шахс ҳам жамият манфаатларига мос равишда фаолият кўрсатиши лозим [4].

шаклланмоқда. Фикримизча, этноэкология аждодларимизнинг асрлар оша табиатни муҳофаза қилиш урф-одат ва анъаналарини ўз ичига олиб, олис тарихга эгадир. “Экологик маданият”, “экологик виждон”, “экологик ҳалокат”, “экологик хавф”, “экологик партия”, “экологик ҳаракат” каби атамалар кўп қўлланилмоқда. Экологик маданият бўлмаган жойда маданият ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Халқимизда “табиатни кўриқлаш - Ватанни кўриқлаш” ибораси ҳам мавжуд. Экология муаммоси ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин муаммоларидан бирига айланиб, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мосдир. Цивилизациянинг ҳозирги босқичи ва келажак кўп жиҳатдан ана шу муаммони оқилона ҳал этишга боғлиқдир.

Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аждодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан қадрланган. Минтақа халқлари исломдан олдинги маданиятнинг табиатдан оқилона, уйғун фойдаланиш анъаналарини ўрганиш ва оммалаштириш ниҳоятда зарурдир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатларини ўз ичига олиши лозим. Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида суғорма деҳқончиликка асосланган бу минтақада ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунча зарурдир.

Ўзбек халқининг тупроқ, ҳаво, сув ва олов, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш билан боғлиқ турфа эътиқодий қарашлари ҳамда удумлари мавжуд бўлиб, деярли аксарияти унутилмоқда ёки уларга умуман риоя қилинмаяпти. Оқибатда ерларнинг мелиоратив ҳолати тобора ёмонлашмоқда, атроф-муҳит ифлосланмоқда, ичимлик суви йил сайин танқис бўлиб бормоқда. Флора ва фаунада ҳам мувозанат бузилмоқда, оқибатда экологик қаҳатчилик содир бўлиб, бу глобал тус олмоқда.

Аждодларимиз азалдан фарзандларига гўдаклигидан бошлаб табиат, атроф-муҳитни эъзозлаб, тоза, покиза сақлашга ўргатишган. “Она табиат” ибораси бежизга қўлланилмайди, албатта. Халқимизнинг “Осмонга туфлама, юзингга тушади”, “Сувни ифлос қилма”, “Сувни эъзозла”, “Сув - ҳаёт манбаи”, “Ўсимликларни пайҳон қилма”, “Ҳайвонларга озор берма”, “Кул билан ахлат қўшилса, тўй билан аза қўшилади” каби пурҳикмат иборалари ёшлиқдан сингдирилади.

Табиатдаги ҳар бир тирик мавжудот қаттиқ ҳимоя қилинган, уларга умуман зиён етказиш гуноҳ ҳисобланган. Бу ҳақда “Авесто”да, Қуръони карим ва ҳадисларда, Шарк, жумладан, Марказий Осиё буюк алломаларининг бой меросида пурҳикмат иборалар мавжуд. Шу боисдан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича этно-

ТАБИЙ ФАҲЛАР

ОПТИМИЗАЦИЯ УСЛОВИЙ КУЛЬТИВИРОВАНИЯ *IN VITRO* ВИДОВ *JUNO* (TRATT.)

Никитина Е.В., Кучбоев А.Э.

(Институт генофонда растительного и животного мира Академии наук РУз.)

Ключевые слова: *Juno warleyensis*, *Juno vicaria*, культивирование *invitro*, питательная среда, регуляторы роста.

Введение

Для сохранения природных популяций редких видов и широкого внедрения в коммерческое производство лекарственных и декоративных растений в настоящее время успешно разрабатываются биотехнологические методы. Использование системы *in vitro* по сравнению с традиционными методами поддержания коллекций растений имеет целый ряд преимуществ, в том числе и возможность успешной репродукции видов, естественное возобновление которых в природе ослаблено или затруднено (Молканова и др., 2005; Sati et al., 2014)

Семенное размножение редких видов рода *Juno Tratt.* (сем. *Iridaceae*) затрудняется в результате свойственного их семенам достаточно длительного (2-3 года) периода покоя. Использование для этих целей метода эмбриокультуры позволяют сократить эти сроки в несколько раз. Поэтому для ускоренного воспроизводства выбранных таксонов применяли современные методы интродукции, к которому относится культура ткани *in vitro*.

Juno- оригинальная группа растений в морфологическом, систематическом, филогенетическом, биологическом, экологическом, географическом и других отношениях (Сикюра и Сикюра, 2006). Род *Juno Tratt.* (подрод *Scorpiris*) насчитывает 55 видов, причем более половины распространены в Средней Азии согласно данным Ikinici et al.(2011).

Материалы и методы исследований

Объектами исследования являлись виды рода *Juno*: *Juno warleyensis* (Foster) Vved., *Juno vicaria* Vved.- ранневесенние эфемероиды, произрастающие в Сурхандарьинской области, Узбекистан. В качестве первичного экспланта использовали зрелые семена. Семена стратифицировали в течение 40 дней (при +4°C).

Для повышения всхожести в этом случае важно подобрать условия предобработки и культивирования. На этапе введения в культуру отработывали различные приемы стерилизации. Наилучшим антисептическим эффектом с высоким показателем жизнеспособности (100 %) считаем следующую стерилизующую схему в условиях ламинар бокса:

1) обработка 70%-м этиловым спиртом – 1 мин; 2) промывание в стерильной дистиллированной воде – 10 мин; 3) обработка 0,1%-м раствором AgNO₃ – 10 мин; 4) промывание семян в стерильной дистиллированной воде три раза.

Методика биотехнологических исследований основывалась на общепринятых классических приемах работы с культурами изолированных тканей и органов растений (Бутенко, 1999). Во всех вариантах эксперимента использовали питательную среду Murashige, Skoog (1962). В связи со спецификой покоя исследуемых таксонов, для каждого из них были использованы индивидуальные схемы культивирования. На этапах посева эксплантов и культивирования регенерантов на стадии пролиферации использовали минеральную основу питательной среды MS (HiMedia, Индия) с агаром (0.5-0.6%) и сахарозой (40г/л) с добавлением фитогормонов. рН питательных сред до автоклавирования доводили до 5,6–5,8. Условия - термостатированное помещение (25 – 27°C), относительная влажность воздуха 60 – 70%, освещенность- 2 – 3 тыс. люкс, 16 часовой фотопериод.

Целью наших исследований являлось изучение влияния ростостимуляторов на закономерности формообразования у растений-регенерантов в культуре *in vitro*.

Результаты и обсуждение

Специфика введения в культуру, заключается в наличии или отсутствии, а также в сочетании регуляторов роста растений цитокининов с ауксинами, что обеспечивает более высокий коэффициент прорастания и зависит от генотипа исследуемых видов. Поэтому нами был произведен тщательный подбор их оптимальных концентраций.

Учитывая вышесказанное, была разработана система ступенчатого введения в культуру семян. На этапе введения в культуру *in vitro* фитогормоны вводили в питательную среду в соответствующих концентрациях, испытывали более десятка видов соотношений гормонов в питательных средах (табл.)

Таблица. Влияние гормонального состава питательной среды на количество проростков на первом этапе микроразмножения

Вид растений	Состав питательной среды (мг/л)								
	МС, б/г	МС, БАП			МС, БАП/ИУК			МС, кинетин/ИУК	
		0.1	0.5	1.0	0.1/0.1	0.5/0.1	1.0/0.1	0.1/0.1	0.1/0.5
Кол-во проростковна общее количество стерильных эксплантов (20 шт.)									
<i>Juno vicaria</i>	4	5	14	10	4	13	7	-	-
<i>Juno warleyensis</i>	1	2	8	16	3	12	10	-	-

логия” атамаси юнонча (этнос - халк, логос - фан) сўздан олинган бўлиб, “халк тўғрисидаги фан” деган маънони англатади. Шу билан бирга бу фанни ифодаловчи этнография - (этнос - халк, графос - тавсифлаш) атамаси ҳам ишлатилади. XX асрнинг 90-йилларидан бу иккала атама кенг қўлланилмоқда. Фарб мамлакатларида бу фанни “маданий антропология” ёки ижтимоий (социал) антропология деб юритиш ҳам анъанага айланган [1:9-10].

Этнологиянинг асосий объекти ҳисобланган этнослар ўз тараққиёт жараёнида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда фаолият юритади. Этнос фаолияти турли йўналишларини мазкур маданият ва жамиятни тадқиқ этувчи фанлар ҳам ўрганеди. Этнология доимий равишда турли-туман ёндош фанлар билан ўзаро алоқада тараққий этиб ривожланмоқда. Шундай фанлар сирасига экология ҳам киради. Мазкур иккала фаннинг ҳар бири маълум муаммолар доирасидагина ўзаро муносабатга киришади. Бунга атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масаласини киритиш мумкин.

Экология фанининг мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, экология - юнонча *ойкос* - *уй*, *турар-жой* ҳамда *логос* – *ўрганиш*, *фан* деган сўзлар қўшилмасидан ҳосил бўлган тирик организмларнинг теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатини ўрганадиган биологик фандир. Атама сифатида эса у организмдан ҳар хил даражада юқори турадиган системалар; популяциялар, биоценозлар, биогеоценозлар (экосистемалар) ва биосферанинг тuzилиши, уларда кечадиган жараёнларни ўрганадиган биологик фанлар мажмуини англатади [2:164].

Немис биологи Э.Геккель (1866) илмнинг бу йўналишини тегран таърифлаган эди. Ана шу даврдан бошлаб биология соҳасидаги янги йўналишга асос солинди. Бу табиат экологиясини идрок этиш, айти вақтда тирик мавжудотнинг муҳит, органик ва аорганик компонентлари билан бўладиган барча ўзаро муносабатларини, шу жумладан, бир-бири билан алоқадор ҳайвонот ва ўсимликларнинг ўзаро муносабатларини тадқиқ этишдир. Хуллас, экология – бу Ч.Дарвин томонидан ишлаб чиқилган яшаш учун кураш шароитлари сингари табиатдаги барча мураккаб боғланишлар ҳамда муносабатларни ўрганувчи фандир.

Замонавий экология бундан қарийб бир ярим аср аввал Э.Геккель таърифлаб берган экология тушунчасидан анча фарқ қилади, албатта. Унинг фикрича, ҳар қандай организмнинг тадрижий ривожланишига фақат вужуд ичида кечадиган соф биологик, биофизик, биокимёвий ва бошқа жараёнлар таъсир этибгина қолмай, унинг тараққиётига ташқи муҳит ҳам фаол таъсир қилади. Ваҳоланки, бугун экология 70 та йўналишни ўз ичига олган кенг камровли фанга айланди. Натижада ҳозирги даврда этнология ва экология фанларининг ўзаро уйғунлашувидаги янги йўналиш – этноэкология

лажак авлодлар ибратланиши учун “Макориму-л-ахлоқ”нинг нечоғлик муҳим манба экани исботидир.

Тўртинчидан, асар Алишер Навоий шахсиятини, замондошлари билан ўзаро муносабатларини ўрганишда таянч манба ҳисобланади. Мазкур манба улуғ мутафаккир яшаган муҳит, бу муҳитнинг миллий адабиётимиз ривождаги ўрни каби масалаларни ёритишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги кузатишлар “Макориму-л-ахлоқ”нинг Алишер Навоий биографиясини ўрганишда нечоғлик муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Мазкур асарнинг мукамал қиёсий-илмий изоҳлар билан таъминланган тўлиқ ўзбекча таржимасини амалга ошириш ва нашр этириш навоийшунослик олдидан турган долзарб вазифалардандир.

Адабиётлар

1. Султон И. Асар ҳақида // Ғиёсиддин бинни Хумомиддин Хондамир. Макориму-л-ахлоқ. -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1967. –Б.3.
2. Макориму-л-ахлоқ. Дар шарҳи зиндағони, муаллафоти ва осори имроний Мир Алишер Навоий. Таълифи Ғиёсиддин Хондамир. Бо муқаддима, тасҳих, таълиқот ва фикрис Абдулғаффор Баёний. - Кобул, 1360.
3. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили. - Тошкент: Академнашр, 2011. – 71 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида унинг замондоши томонидан яратилган “Макориму-л-ахлоқ” асари, унинг таржимаси ва навоийшуносликдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Мазкур асарнинг мукамал ўзбекча нашрига зарурат илмий асосланган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена анализу произведения Хондамира “Макорим ал-ахлақ”, в котором освещается жизнь и творчество великого мыслителя Алишера Навои. Автор также обосновывает необходимость издания узбекского варианта произведения.

SUMMARY

The article is about “Makarim al-axlaq” dedicated to the life and work of the great philosopher Alisher Navoi, written by his contemporary, and about his translation and importance. The need for perfect Uzbek edition of the work is scientifically substantiated.

Нашрга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ЭТНОЭКОЛОГИК ҚАДРИЯТЛАРИ: АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Бўриев О., Равшанов А. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: этнология, экология, этноэкология, экологик маданият, “Авесто”.

Ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида этнология салмоқли ўринга эга бўлиб, XIX аср ўрталарида фан сифатида шаклланган. Лекин этнологик билимлар қадим замонларда шаклланган. “Этно-

Применяли различное сочетание БАП (от 0.1 до 1.0 мг/л), кинетина и комбинации этих препаратов с 3-индолилуксусной кислотой (ИУК). Необходимо отметить, что культура юнон оказалась отзывчива на применение регуляторов роста. Влияние их проявилось уже на ранних стадиях культивирования. В варианте с соотношением цитокинин/ауксин- 10:1 (БАП1мг/л/ИУК 0.1мг/л) из одного зародыша *Juno vicaria*, минуя стадию каллусообразования образовывались регенеранты с хорошо развитыми листьями и корнями (рис 1.).




Рис.1. Регенерационная способность *Juno*- минуя стадию каллусообразования.

При этом продолжительность периода от посева экспланта до начала его прорастания изменилась в сторону ускорения. На основании результатов экспериментальных исследований у видов *Juno vicaria*, *Juno warleyensis*, установлено увеличение регенерационного потенциала в культуре при сочетании цитокининов с ауксинами. На вариантах опыта в среде с количеством цитокининов, превышающим содержание ауксинов в 5 раз наблюдалась активность пролиферации побегов у обоих видов при соотношении 6-БАП и ИУК- 5:1 (0.5мг/л: 0.1 мг/л) из каждого зародыша развивалось сразу нескольких адвентивных побегов (рис.2.).



Рис.2 Образование адвентивных побегов *Juno vicaria*.

Для *Juno vicaria* появление первых проростков отмечалось через две недели после посева. Более длительное время и высокое содержание гормонов потребовалось для семян *Juno warleyensis*-побеги появились на 20-й день с момента посева, настоящие листья сформировались спустя неделю. Укоренение первичных эксплантов наблюдалось через 2 недели спустя поддержания стерильной культуры обоих видов в среде с ауксином.

При подборе оптимальных условий для культивирования *in vitro* семян исследуемых таксонов, видовые особенности проявились и в количестве образующихся проростков на общее количество стерильных эксплантов (табл.).

Для *Juno warleyensis* потребовалось большей концентрации цитокинина на этапе индукции побегообразования по сравнению с *Juno vicaria* (1.0мг/л и 0.5мг/л соответственно).

Таким образом, основополагающим фактором, снимающим апикальное доминирование и стимулирующее пролиферацию- адвентивное побегообразование, явилось наличие цитокинина в среде.

Опыт по образованию проростков у эксплантов, культивируемых на других испытанных вариантах сред (при сочетании кинетина с ИУК) был безрезультатным. Увеличение концентрации БАП с 1 до 2,5 мг/л для обоих видов юнон приводило к ингибированию образования проростков, а полученные регенеранты впоследствии оказались нежизнеспособными.

Использование ИУК в диапазоне концентраций 1.0-2.0 мг/л ингибировало развитие надземной системы- даже после 3-го пассажа не наблюдалось образования настоящих листьев. Концентрация ИУК свыше 2.0 мг/л вызывала гибель побегов. Таким образом, оптимальными концентрациями на этапе введения в культуру БАП составила максимум 1.0мг/л для *Juno warleyensis*, и 0.5 мг/л для *Juno vicaria*.

Этап элонгации побегов занимал не более 2-х недель для обоих видов на среде БАП (0.1мг/л).

Для индукции корнеобразования изучено влияние на этот процесс ауксина ИУК в концентрации 0.1-2.0 мг/л. Увеличение концентрации в среде ИУК до 0.1-0.5 мг/л полностью ингибировало рост растяжением надземной системы и вызывало развитие у них корневой системы, но интенсивного радиального роста не наблюдалось. Спонтанное укоренение отмечено у проростков *Juno vicaria* уже при наличии одного настоящего листа. Причем концентрации ИУК (0.5 мг/л) в большей степени стимулировали корнеобразование обоих видов, если ее применяли отдельно от цитокинина.

Рост и развитие корней *in vitro* зависели так же от аэрации питательной среды, то есть от концентрации агара. Укоренение побегов в плотной среде затруднено, развитие корней второго порядка не происходит. С уменьшением концентрации агара с 0.6%

квалиб, олиб кетгунча кузатиб турди” (91).

Манбашунос Ш.Сирожиддинов бу фактни Алишер Навоийнинг “мизожи нозик” бўлгани ҳақидаги Бобур талқинига изоҳ сифатида келтиради. Олимнинг ёзишича, рус академиги В.В.Бартольд Бобур таърифидаги “назокат” сўзини “высокомерие” – “калонди-моғлик” деб таржима қилади. Бу хусусда Ю.Брегел шундай деб ёзади: “Как показал А.Н.Болдырев, толкование слова “назокат” В.В.Бартольда неверно: его следует понимать в данном случае как “преувеличенная щепе-тильность, быстрая “необоснованная раздражительность”. (Мир Али Шир и политическая жизнь. Комментарии Ю.Брегеля. -С. 226)” Айни ҳолатда А.Н.Болдырев изоҳи жуда тўғри. Навоийнинг фақру фанога эътиқодини билган Заҳриддин Муҳаммад Бобур “назокат” деганда такаббурликни назарда тутмаган” [3].

“Макориму-л-ахлоқ” ҳазрат Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларига янгича кўзкараш асосида баҳо бериш имконини беради. Аксар тадқиқотларда бу икки шахс муносабати улуғ шоир ва золим ҳукмдор зиддияти тарзида бир ёқлама талқин этиб келинди. Ваҳоланки, воқеликнинг бевосита шоҳиди бўлган Хондамирнинг ёзишича, “Султон Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) ул ҳазратнинг (Навоийнинг) кўнгил истагини ўз муборак кўнгли орзусидан юқори қўйган” (65).

“Макориму-л-ахлоқ”да тўлиқ матни келтирилган Султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга ёзган мактубидаги мана бу сўзлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди: “Ҳамма вақт ва ҳамма аҳволда ул жанобнинг, яъни Навоийнинг шариф хоҳири розилигини ўзимизнинг муддао ва талабларимиздан устун билиб, бу жиҳатни мислсиз давлат далилларидан санадик ва санаймиз” (77). Мактубнинг Ҳазрат Навоий хусусида “Салтанат рукни, мамлакат таянчи, дин ва давлат арбобининг зубдаси, мулк ва миллат соҳибларининг пешвоси, хайрли бинолар муассиси, покиза ишларга йўлланган ҳоконий давлатнинг мадақори...” (76) каби сифатлашу таърифлар билан бошлангани ҳам Султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга муносабатини ойдинлаштиради.

Умуман, “Макориму-л-ахлоқ”, биринчидан, ҳазрат Алишер Навоий илмий биографиясини тиклашда асосий, бирламчи манбалардан саналади. Шоир биографиясига оид мунозарали масалалар ечимида ушбу асардаги маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Иккинчидан, мазкур манба навоийшуносликдаги улуғ шоир ҳаётига оид талқинлардаги зиддиятларни ойдинлаштиради. Бу орқали навоийшуносликнинг истиқболдаги ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Учинчидан, буюк мутафаккир сийратини, унинг инсоний фазилатларини тўлақонли тасаввур этиш имконини беради. Ушбу хусусият ҳазрат Алишер Навоийнинг комил ахлоқидан бугунги ва ке-

ҳиммат этагига фоний дунё молига муҳаббат ғуборини, бу жаҳон ашёсига қизиқиш гардини юқтирмаган” (63). Алишер Навоийнинг ўз хусусий мулкини эл-юрт манфаати йўлига сарф этгани, жумладан, 60 дан ортиқ бино, 20 га яқин ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом, 20 масжид ва бир қанча мадрасалар, хонақоҳлар барпо эттиргани ҳам фикримиз далилидир. “Мақориму-л-ахлоқ”да бу иншоотлар номманом саналган.

Бундан ташқари, Хондамирнинг ёзишича, “... ҳазрат соҳибқироннинг (яъни Ҳусайн Байқаронинг) девон кишилари баъзи бир зарур харажатлар учун халқ устига зўр маблағлар (оғир солиқлар) юкламоқчи бўлганларида халқнинг қийналмаслиги ва бу ҳол салтанат тартибларига бузуклик солмаслиги учун у маблағларни ҳазрат Навоий ўз маблағидан тўлаб юборар эди”. Жумладан, 906 хижрийда Мозандарон вилояти ҳокими Муҳаммад Валибек зарур харажатлар учун халққа 100 минг динор солиқ маслаҳати билан Амир Навоийга мурожаат қилади. У киши “бу фурсатда халқ устига ўринсиз солиқ солишни ҳазрат Соҳибқирон давлатига муносиб кўрмайман”, деб шу заҳотиёқ мазкур маблағни ўз хусусий мулки ҳисобидан тўлаб юборади.

Хондамирнинг ёзишича, “Ихлосия” мадрасаси қаршисидаги “Халосия” хонақоҳида ҳар куни (!) мингдан ортиқ заифалар ва мискинлар зиёфат қилиниб, лазиз таомлар билан тўйдирилган, ҳар йили муҳтожларга 2 мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак-иштон, тақия ва кафш улашилган. Машҳаддаги Дору-л-хуффозда ҳар куни фақат заиф ва етимларга овқат бериш учун ғалвурхона қурилган.

Бу фактлар “Мақориму-л-ахлоқ” ҳазрат Навоийнинг оддий инсон, давлат арбоби, ижодкор ва шахс сифатидаги сийрати, фазилатлари ҳақида тўлақонли маълумот берадиган мўътабар манба экани далилидир.

“Мақориму-л-ахлоқ”да улуг мутафаккирнинг қанчалик меҳрибон ва муруватли шахс бўлгани ҳақида ҳам қимматли мисоллар келтирилган. Жумладан, муаллиф мана бундай таъсирчан воқеани келтиради: “Соҳибқирон бир йили Марв шаҳрида қишлаганларида олам улўғларининг паноҳи (Амир Алишер – Н.Ж.) ҳам бирга эди. Бир мусича олий ҳазратнинг чодирига кириб юрди. Ҳеч ким унга халақит бермагани учун, у ерга уя ясаб, тухум ҳам кўйди. Сайёралар подшоҳи (қуёш) Ҳут қишлоғидан иззат ва шараф манзилига юриш қилгач, Султон Соҳибқирон ҳам Ҳирот пойтахтига йўналмоқчи бўлди. Мусича эса ҳали тухумни очмаган эди. Давлатли олий ҳазратнинг зотий шафқат ва табиий марҳамати шуни тақозо қилдики, мусича тухум очиб, болаларини катта қилгунча чодирни қимирлатмай, шундай қолдирилсин. Бинобарин Хожа Ҳасан Бахтиёрга у чодирни муҳофазат қилиб туришни ва мусича болаларини учирик қилгандан кейин хизмат ҳақи учун чодирни ўзи олиб кетишни буюрди. Мазкур Хожа ҳам бу ишни қабул қилиб, у жонивор ўз болаларини катта

до 0.5% существенно увеличилось укоренение побегов.

При изучении влияния минерального состава на начальных этапах культивирования эксплантов были испытаны среды МС и ½ МС. Уменьшение концентрации минералов на состояние первичных эксплантов отразилось отрицательно. Однако, на стадии ризогенеза наблюдалась тенденция более высокой выживаемости и темпов роста побегов на среде МС с половинной концентрацией минеральных солей.

Итак, стимулирующее влияние цитокининов 6-БАП проявилось в узком диапазоне концентраций (0.5 и 1.0 мг/л). Прослежена эффективность поэтапного получения побегов путем последовательного изменения условий культивирования эксплантов.

Выводы:

1) Разработаны питательные среды и схемы введения в культуру *Juno*

2) Выращивание на искусственной среде значительно ускоряет рост и развитие сеянцев, что дает возможность в кратчайшие сроки наблюдать результаты своего труда. Таким образом, Юноны, как объект, имеют большой экономический потенциал.

Литература

1. Молканова О.И., Стахеева Т.С., Васильева О.Г. и др. Использование биотехнологических методов для размножения и сохранения редких и ценных видов растений // Ботанические сады как центры сохранения и рационального использования растительных ресурсов. - М., 2005. -С.354-356.
2. Satı U., Ali İrfan İ., Arif İ., Neşet A., Surendra B. Efficient in vitro plant regeneration from immature embryos of endemic *Iris sari* and *I. schachtii*// Turk J Agric For. 38. 2014. - P.348-353.
3. Сикура И.И., Сикура А.И. Род *Juno* Tratt. (Iridaceae). - Киев. Знання України, 2006. - 115 с.
4. İkinci, N., Hall, T., Lledo, M. D., Clarkson, J., Tillie, N., Seisums, A., Saito, T., Harley, M. and Chase, M. W. Molecular phylogenetics of the *juno* irises, *Iris* subgenus *Scorpiris* (Iridaceae), based on six plastid markers. Botanical Journal of the Linnean Society, 2011. 167. -P.281–300.
5. Бутенко Р.Г. Биология клеток высших растений in vitro и биотехнологии на их основе. - М.: ФБК-ПРЕСС, 1999. -160 с.
6. Murashige, T and F Skoog. A revised medium for rapid growth and bioassays with tobacco tissue cultures. Physiol. Plant. 1962, 15. -P. 473-497.

РЕЗЮМЕ

Произведен подбор концентраций фитогормонов для оптимизации состава питательной среды на всех этапах культивирования видов *Juno* (Tratt.).

РЕЗЮМЕ

Juno (Tratt.) турларининг ўстиришни ҳамма боскичларида озик муҳити таркибини оптимизация қилишда фитогармонлар концентрациясини танлаш ўтказилди.

SUMMARY

The selection of growth regulators concentrations for optimization the nutrient medium contents at all cultivation stages of *Juno* (Tratt.) species had been performed.

Рекомендован в печати проф. Л.Ёзиевым

ЛАНДШАФТ КОНЦЕПЦИЯСИНING РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОЗИРГИ ЛАНДШАФТШУНОСЛИК

Муртазаев Б.Ч., Абдуллаев С.И. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: ландшафт, геосистема, табиий ҳудудий комплекс, антропоген ландшафт, маданий ландшафт, ландшафт сфераси, ландшафтишунослик.

“Ландшафт” халқаро миқёсда тан олинган илмий терминдир. Географиянинг ривожланишида ландшафт (геосистема, табиий ҳудудий комплекс, геокомплекс) концепцияси энг муҳим назарий қоидалардан бири ҳисобланади.

Ландшафт сўзи илк бор IX асрда Фулд монастири монахларининг ишларида учрайди. У илоҳиёт мутахассиси Татианнинг “Инжил гармонияси”ни лотинчадан таржима қилишда лотинча регион (район, ўлка, мамлакат) сўзини “ягона қавмнинг ягона муқаддас ери (~ жаннатмонанд ер), Германияда умумқабул қилинган планга мувофиқ тартибга солинган ҳудуд...” маъноларини англадиган ландшафт сўзи билан алмаштирилган. Кейинчалик бу тушунча секин-аста дастлабки маъносидан узоқ бўлган тушунчага айланган. Ландшафт маъмурий-ҳудудий ва ҳудудий тушунчага айланди [1]. XVI асрда ландшафт (манзара) расмчилиги ривожлана бошлайди. Расмларда ерларнинг типик кўринишлари акс эттирилган. XIX аср бошига келиб ландшафт деганда кузатувчи бир қарашда кўрадиган ва қўшни ерлардан фарқ қиладиган атроф ҳудуд тушуниланган.

П.Жеймснинг ёзишича, 1000 йилга қадар қадимий инглиз тилида “*the landscape*” сўзи ҳудуднинг кўламини англатган. “*Landscape*” сўзи эса инглиз тилига XVII аср бошида ҳолландча “*landshap*” сўзининг кўчиши билан боғлиқ [2]. Немис тилидаги *Landschaft* сўзи XV асрдан бошлаб расомлар томонидан Ер юзаси қиёфасининг бирор-бир жиҳатини – табиий манзарасини ифодалаш учун қўлла-нилган [3].

Ҳозирги пайтда илмий мазмундаги “ландшафт” термини немис сўзлашув тилидан олинган (*die Landschaft; land* ер, ҳудуд, ўлка, жой; *schaft* ўзаро алоқа). Ландшафт термини илмий географик адабиётларга аниқ чегараланган мазмунга эга ҳолда 1805 йилда немис географи А.Гоммеер томонидан киритилган.

География муайян ҳудудлардаги объектлар ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқаларини ўрганишда бу объектлар ва ҳодисаларнинг ландшафт ҳосил қилувчи мажмуасига қаратмоғи лозимлиги тўғрисидаги ғояни 1885 йилда И.Виммер ўзининг “*Historische Landschaftskunde*” деб номланган китобида билдирган эди. Ҳозирги ландшафтшуносликка XIX асрнинг ўртасида немис олимлари А.Хумбольдт ва К.Риттер (биринчи бор географияда “ландшафт” терминини қўлла-

ёвий давлат, моддий ва маънавий бахт” деган тавсиф келтирилди. Муаллиф бу орқали Мир Алишернинг ана шундай саодатга ноил бўлганига ишора қилади. Айниқса, асар матнида шу муносабат билан келтирилган олимнинг даражаси обиддан баланд экани ҳақидаги ҳадислар муаллиф кўзда тутган мақсадни тўлақонли очишга хизмат қилган. Улардан биринчиси: “Олимнинг обиддан афзаллиги ўн тўрт кечалик ойнинг юлдузлардан афзаллиги қабидир”. Иккинчи ҳадисда эса пайғамбаримизнинг: “Олимнинг обиддан афзаллиги бамисоли сизларнинг даража жиҳатдан қуйиларингиздан (ҳадисда “адноларингиздан” тарзида келган) менинг афзаллигим қабидир”, деганлари зикр этилади.

Шундан кейин ҳазрат Алининг мана бу мазмундаги байтлари келтирилади.

Биз Жабборнинг қисматиға,

Яъни бизға илм, душманларға мол берилганидан розимиз.

Чунки мол тезда фоний бўлғусидир.

Илм эса ҳаммиша боқий қолажасак.

“Ушбу сўз оқимидан ва айтилганлар мазмунидан қиёмдаги қуёш каби равшан ва зоҳирдирки, – деб ёзади Хондамир. – Илм чўққиси ҳамма чўққилардан юксакдир. Олимларни барча халқдан баланд мартаба ва даражага қўймоқ лозим ва вожибдир”. Муаллиф ҳазрат Навоийнинг олимлар ичида ҳам юксак мақомда эканига урғу беради.

Асарнинг бешинчи мақсади “Охират заҳираларини тўплаш, дунё ва ундагилардан юз ўгириш баёнида”, деб номланган. Бу мақсад аввалида “Дунё ва ундаги нарсалар беҳудадир” деб бошланувчи шеър келтирилади ва шунинг учун “тариқат йўлига қадам босувчи солиҳлар нафси амморани маҳкам жиловлаб олган”и хусусида хулоса қилинади. Таъкидлаш керакки, ҳазрат Навоийнинг лирик шеърларида ҳам учрайдиган бундай фикр-хулоса зинҳор таркидунёчилик тарғибини англатмайди. Бунда улўғ мутафаккир дунёни эмас, унга бўлган муҳаббатни тарк этиш, яъни тарки дунё эмас, “тарки муҳаббати дунё” ҳақида сўз юритганини эътиборда тутмоқ керак. Таассуфки, айрим тадқиқотларда шу мазмундаги байтларни таркидунёчилик изҳори тарзида талқин этиш ҳоллари учрапти.

Масаланинг яна бир эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳати шундаки, дунё муҳаббатини тарк этиш, унга эгалик қилмаслик керак, деган маънони англатмайди. Бинобарин, мол-дунёдан Мосуво ҳолда, ҳеч вақоси йўқ бўла туриб ҳам дунёга ҳирс қўйиш, дунё муҳаббатига мубтало бўлиш мумкин. Ёки аксинча, дунёдор бўлиб, дунё муҳаббатидан устун турган зотлар бизнинг тарихимизда бисёр. Хондамирнинг ёзишича, шундайлардан бири, ҳатто энг афзали ҳазрат Алишер Навоийдир.

“Мақориму-л-ахлоқ” муаллифининг таъкидлашича, “ул ҳидоят ва иқбол осмонининг қуёши”, яъни ҳазрат Навоий “ҳеч қачон

1981 йили Кобулда афғонистонлик олим Абдулғаффор Баёний томонидан амалга оширилган. Кобул нашри Британия музейидаги асл қўлёзмадан бирор ўзгаришсиз кўчириб босилгани билан ҳам аҳамиятлидир [2].

Аслият билан муқояса қилиш шуни кўрсатадики, “Макориму-л-ахлоқ”нинг ўзбекча нашри жиддий қисқартиришлар билан амалга оширилган. Қисқартирилган ўринлар, жами 30 саҳифадан ортиқ экани ҳам фикримиз далилидир. Устоз олимлар амалга оширган таржима, шубҳасиз, аҳамиятли. Бироқ бу табаррук манбанинг бугунги талаблар даражасидаги тўлдирилган изоҳли таржимасини амалга ошириш илмий заруратдир, ҳаётий эҳтиёждир.

Ўзбекча таржимага кирмай қолган ўринлар ҳақида икки оғиз сўз. Асарнинг “Макориму-л-ахлоқ” деб номланиши сабабини муаллиф қуйидагича изоҳлайди: “Ўхшаши йўқ Худо – истаган ишни “Бўл” деб бўлдиришга Қодир бўлган зот қачонки, бандаларидан бирини диний ва дунёвий давлатга етказмоқни, моддий ва маънавий бахтга муяссар айламоқни ирода этса, уни аввал бошданок чиройли сифатлар ва ахлоқи карималар билан зийнатлаб кўяди. Унинг файзосор қалби ойнасини тубан ҳолатлар ва ёмон хислатлар зангидан лутфу эҳсон сайқали билан поклайди”. Бу фикрларни изҳор этгач муаллиф “Иннамо буисту лиутаммима макорима-л-ахлоқ” (“Мен олижаноб хулқларни мукамал мақомга кўтариш учун юборилдим”) мазмунидаги ҳадисни келтиради. Бу орқали улуғ Навоийнинг айни шундай макорим ахлоқ эгаси эканини таъкидлайди. Асар Алишер Навоийнинг барча авлодларга ўрнатилган бўла оладиган, муборак ҳадисда назарда тутилган гўзал ахлоқи тавсифига бағишлангани учун ҳам шундай номланган ва ҳадиси шарифнинг сўнгги икки сўзи сарлавҳага айнан олинган. Шунинг учун ҳам асар боблардан эмас, мақсадлардан таркиб топган. Бу 10 та мақсад қуйидагилардир:

1-мақсад. Ақл ва идрокнинг шараф ва даражаси ҳақида.

2-мақсад. Илмнинг фазилати ва олимларнинг мартабаси ҳақида.

3-мақсад. Шеър фазилати ва шоирларнинг улуғ даражалари ҳақида.

4-мақсад. Иншонинг фазилати, фазилатли сўз усталарининг мартабаси ҳақида.

5-мақсад. Охират захиралари тўплаш, дунё ва ундагилардан юз ўгириш баёнида.

6-мақсад. Шариат арконларига риоя этиш баёнида.

7-мақсад. Меҳрибонлик ва марҳамат баёнида.

8-мақсад. Тавозуънинг фазилати ҳақида.

9-мақсад. Карам ва саховатнинг шарафи ҳақида.

10-мақсад. Латифалар ва мутойибалар.

“Илмнинг фазилати ва олимларнинг мартабаси ҳақида” деб номланган мақсаддан олинган юқоридаги иқтибосда “диний ва дун-

ган) асос солишган. А.Хумбольдт ўзининг тадқиқотларида “*Landschaft*” сўзидан ҳам фойдаланган. Аммо у ландшафт деб, теваарак атрофнинг кўз билан кўриб, идрок қилинадиган ва эстетик жиҳатдан баҳоланадиган гўзаллигини тушунган. Шу сабабли А.Хумбольдтни бадиий ландшафтшуносликнинг асосчиси деб ҳисоблаш мумкин [4].

XIX аср охирида Германия ва бошқа бир қатор мамлакатларда ландшафт географиянинг ўрганиш объекти сифатида қарала бошланди. Кейинроқ географиянинг ландшафтшунослик (*Landschaftskunde*) сифатида талкин қилинадиган бу ғояси Ф.Ф.Рихтгофеннинг шогирди О.Шлюттер (*Schlüter*, 1906) томонидан ривожлантирилди. О.Шлюттер фикрича, географ Ер юзасида дастлаб сезиш органлари ёрдамида идрок қила олиш учун осон бўлган объектларни кўради ва бундай идрокларнинг умумий йиғиндиси – бу ландшафтдир. У географияга хорологик қарашга қарши бўлиб, ландшафтни географиянинг ўрганиш предмети сифатида қабул қилиш тарихдан бошқа барча фундаментал фанлардаги каби унинг мантикий қоидасини таъминламоғи лозим. О.Шлюттер географиянинг бош вазифаси ландшафтнинг “ёввойи” ҳолатидан маданий ҳолатига қадар ўзгаришларини тадқиқ қилишдан иборат деб ҳисоблаган.

О.Шлюттер даставвал ўзи фойдаланган *Urlandschaft* сўзига таъриф беради. Унинг фикрича, *Urlandschaft* – бу инсон фаолияти туфайли содир бўлган катта ўзгаришларга қадар мавжуд бўлган ландшафтдир. Инсон маданияти томонидан яратилган ландшафтни эса у маданий ландшафт деб атайди. О.Шлюттер ландшафтга унинг компонентларидан бири сифатида инсонни ҳам киритган. Ландшафтнинг бундай номи негизида латинча “*cultura*” (экиш, парвариш, тарбиялаш) сўзи туради.

О.Шлюттердан кейин кўпгина немис географлари “ландшафт” тушунчасига катта эътибор берган ҳолда географияни ландшафтшунослик сифатида белгилайдилар. Л.Вайбел (1933) *Landschaft* терминининг моҳиятига бағишланган мақоласида Германияда бу термин географлар ўз эътиборини кичикроқ ҳудудларни ўрганишга қаратган, айни бир пайтда кенг қўлланила бошланганлиги тўғрисида ёзади. Чунки кичикроқ ҳудудларни унча катта бўлмаган район маъносидаги *Landschaft* сўзи йирик районлар учун қўлланилган *Gebiyet* (область) сўзига нисбатан қулай бўлган. Уларнинг кўпчилиги Ф.Ф.Рихтгофеннинг объектлар ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқалари концепциясини қўллаганлар. У Ландшафт сўзини бири-бири билан боғлиқ бўлган элементлар орасидаги уйғунликнинг синоними сифатида қараган эди. Улар дастлаб *Landschaft*ни бево-сита кузатиш мумкин бўлган ҳодиса деб ҳисоблаган бўлсалар-да, *Landschaft* сўзи бир хил жузъиятли ҳудуд ёки районнинг синоними деб ҳисоблайдилар.

Германияда географиянинг ландшафтшунослик (*Landschaft-*

skunde) сифатида ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлардан бири З.Пассаргедир (1867-1958). У нафақат унча катта бўлмаган худудларни (районларни) ўрганиш жараёнидагина эмас, балки глобал миқёсдаги хулосаларга асосланган ҳолда ландшафтларни тадқиқ қилган эди. Унинг фикрича, географнинг бош вазифаси табиий ландшафтларни ўрганишдан иборат. 1913 йилда З.Пассарге ландшафтларни ўрганишга махсус “Табиий география ва қиёсий ландшафтшунослик” назарий ишини бағишлаган. Бу ишида у ландшафтни ҳамма табиий компонентлар (геологик тузилиш, рельеф, иқлим, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) барча муҳим пунктларда мослик топадиган область сифатида қарайди ва ландшафтга биринчи бор таъриф беради. У ўзининг “Ландшафтшунослик асослари” (1920), “Ландшафт тасвири” (1929), “Маданий-географик жойларнинг муаммолари” (1933) китобларида ҳам ландшафтларни ўрганишга доир масалаларни баён қилган [2].

Ландшафтшунослик таркиб топишининг дастлабки босқичларида Ғарбий Европа ва Америка олимлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Ландшафт тўғрисида илмий тасаввур турли мамлакатларда бир-бири билан алоқада бўлмаган ҳолда А.Хумбольдт, К.Риттер, Г.Н.Висотский, Г.Ф.Морозов, Л.С.Берг, А.А.Борзов, Р.И.Аболин, З. Пассарге, О.Шлютер каби бир қатор олимлар томонидан шакллантирилди. Умуман ландшафт тўғрисидаги концепция немис ва рус географик ғояларининг маҳсули ва ютуғидир.

Ж.Шмитхюзен эса “ҳар бир ландшафт бир бутун Геосфера (*Geosphdre*) ичидаги динамик структурадан, моддий – макон – замондаги (*Sach – Rum – Zeit*) сифат жиҳатдан аниқ системадан иборат, деб ҳисоблаган. Бошқача айтганда, уни маконий система сифатида белгилаш мумкин эди. Организмларга ўхшаш берк системалардан фарқ қилган ҳолда бу - очик системадир” [3].

XX аср бошида А.Н.Красновнинг табиат (географик) комплекслари тўғрисидаги ғояси ҳозирги пайтда табиий географияда кенг қўлланиладиган “ландшафт” тушунчасида мужассамлашди ва ландшафтшуносликнинг мустақил фан сифатида таркиб топишига имкон берди.

Табиат компоненти – табиатнинг географик қобик сфераларининг (литосфера, гидросфера, атмосфера в. б.) бирортасидан иборат бўлган таркибий моддий қисми. Табиат компонентлари тоғ жинсларидан, ҳаво, тупроқлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан ташкил топган. Иқлим ва рельеф табиат компонентлари эмас, чунки улар моддий жисмлар бўлиб, ҳаво массалари ва Ер юзасининг хоссаларини акс эттиради. Табиат компонентлари унинг литоген, гидроиқлим ва биоген гуруҳлари фарқланади.

Табиатнинг барча компонентлари мужассам ўзаро алоқада бўлиб, улардан бирортасининг ўзгариши билан бошқалари ҳам ўзгаради. Муайян худудда мужассам ўзаро таъсирда бўладиган табиат

РЕЗЮМЕ

Мақолада ирода ва маънавий диалектикаси, ироданинг маънавий тузилмасидаги ўрни кўрсатилган. Ирода орқали маънавий юзага чиқиши, “моддийлашуви”, бу эркин танлов орқали амалга ошириши, ўз навбатида маънавий туфайли ирода бунёдкор кучга айланиши, аниқ ижтимоий мўлжалга эга бўлиши очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрывается диалектика воли и духовности, место воли в структуре духовности. Утверждается, что духовность реализуется, “материализуется” с помощью воли, что это осуществляется через свободный выбор. В свою очередь, благодаря духовности воля превращается в созидательную силу, приобретает конкретные социальные ориентиры.

SUMMARY

This article deals with dialectics of power and spirituality and the place of power in the structure of spirituality. It proves that, spirituality is realized and materialized with the help of the power of will and this is realized through free choice in, its turn will turn into creative power, possessing concrete social aim.

АЛИШЕР НАВОИЙ БИОГРАФИЯСИНИ ЎРГАНИШДА “МАКОРИМУ-Л-АХЛОҚ”НИНГ ЎРНИ

Жабборов Н. (ЎзМУ)

Таянч тушунчалар: қўлёзма, фотонусха, таржима, ахлоқ, мақсад, қиёсий-илмий изоҳ.

Машҳур тарихчи Ғиёсиддин Ҳумомиддин ўғли Хондамир (1473-76, Ҳирот – 1534, Манду; Дехли) “Мақориму-л-ахлоқ” асарини 1501 йили ёзиб тугаллагани маълум. “Мақориму-л-ахлоқ” туркий дунёнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийга бағишланган бошқа асарлардан бир неча хусусиятларига кўра ажралиб туради. Академик Иззат Султон таъбирича, бу хусусиятлардан энг асосийси “Мақориму-л-ахлоқ”нинг бошдан-оёқ ҳазрат Навоийга, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган биринчи асар эканидир. Иккинчидан эса, муаллиф бошқалардан фарқли ўлароқ Алишер Навоий шахсиятини ҳар жиҳатдан тавсифлаш вазифасини ўз олдига қўяди [1].

Устоз олимнинг фикрларига қўшимча қилиб асарнинг яна икки хусусиятини ажратиш мумкин. Булардан биринчиси, “Мақориму-л-ахлоқ”нинг услуби ўзига хос экани бўлса, иккинчиси, асарнинг бетакрор бадииятидир.

Маълумки, форс тилидаги бу мўътабар асарнинг дунёда ягона қўлёзмаси Лондондаги Британия музейида сақланади. Улуғ мутафаккирнинг 500 йиллигини нишонлаш бўйича тузилган “Навоий юбилейи комитети” ташаббуси билан 1938 йили мазкур қўлёзманинг фотонусхаси олинган. Ана шу фотонусха асосида Порсо Шамсиев амалга оширган ўзбекча таржимаси 1967 йили Тошкентдаги Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган. “Мақориму-л-ахлоқ”нинг сўзбоши, изоҳ ва луғат билан таъминланган аслиятдаги нашри

яхши ҳисоблашмаса, шахс ёки бир гуруҳнинг ғаразли манфаатларига хизмат қилса, уни адолатсиз, ахлоқсиз, ёвузлик, худбинлик деб баҳолаймиз. Ва, аксинча, эзгуликка, тараққиётга хизмат қилса, ижобий баҳо берамиз. Демак, прагматизм – бу усул.

Шахс иродасини ҳам, миллат иродасини ҳам тарбиялаш ва бунёдкорликка йўналтириш зарур. Ирода биринчи навбатда маънавий тарбия тизими ва меҳнат орқали чиниқтирилади. Меҳнат деганда фақат жисмоний меҳнат эмас, ақлий меҳнат ҳам тушунилади. Инсон болалигидан меҳнат қилишга, мактаб ёшида дарс тайёрлашга, китоб ўқишга, унчалик ёқмайдиган предметларни ўзини мажбурлаб бўлса-да, ўзлаштиришга ўрганиши керак. Дангасалигини, иш ёқмаслигини енгиш жараёнида боланинг иродаси чиниқади. Ёш бола учун жисмоний меҳнат ота-онасига, уй-рўзгор юмушларига қарашишдан ташқари спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишидир. Бу боланинг соғлом ўсиши қаторида унга қийинчиликларни енгишни ўргатади. Ислоҳ Каримовнинг куйидаги фикри маънавият ва ирода муносабатини тушунишда муҳим аҳамиятга эга: “Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради.

Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради, десак, янглишмаган бўламиз. Ирода – бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди” [1:122-123].

Иродани тарбиялаш инсонда масъулият туйғуларини шакллантириш, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишидан халос бўлишни, четдан бировларнинг ҳимматини ёки осмондан мўъжиза кугмасдан, ўз кучига, билими ва ақл-заковатига таяниб иш кўришга ўргатишни билдиради. Айтилганлардан Ўзбекистонда баркамол авлодни шакллантириш ва мутараққий жамият қуришда шахс ва миллатда самарали иродани тарбиялашнинг аҳамияти аёнлашади.

Адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Философский энциклопедический словарь. - М., 1983. - С.783.
3. Воронцов В. Тафаккур гулшани. - Тошкент, 1981. – Б. 129.
4. Кант И. Соч.Т.4 ч. II. - М., 1965.
5. Гегель. Соч. Т.12. – М., 1938.
6. Макиавелли Н. Государь // Избранные соч. - М.,1982.
7. Фромм Э. Психоанализ и этика. - М., 1993.

компонентлари табиий-худудий комплексларни ҳосил қилади. Табиий-худудий комплекслар (ТХК) Ер юзасининг нисбатан бир хил жойи бўлиб, улар учун табиат компонентларининг муайян бирикмаси хос. Ҳар бир ТХК учун ўзининг тузилмаси хос бўлиб, бир бутунлик, чидамлилиқ (барқарорлик) ва ўзгарувчанлик (узлуксиз ривожланиш) уларнинг асосий хоссаларидир.

ТХКлар тўғрисидаги таълимот асосида янги йўналиш – ландшафтшунослик шаклланди. Ландшафт – географик қобик, табиат компонентларининг қонуний бирикмаси ва улар орасидаги ўзаро алоқаларнинг сажияси билан ажралиб турадиган бир хил жойи. Ландшафт нафақат табиат комплексларидан, балки майда (фация, урочиша, жой в. б.) ТХКлардан ҳам ташкил топади.

Ландшафтшуносликнинг таркиб топишида ва ландшафт тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқишда россиялик олим Л.С.Бергнинг хизматлари айниқса катта бўлди. Унинг тадқиқотлари туфайли ландшафтнинг географик комплекслар системасидаги асосий ва муайян чегараланган ҳажм ва мазмунга эга бўлган яхлит худудий бирлик тўғрисидаги тасаввур шаклланди [5].

Жаҳон адабиётларида ландшафт тушунчасининг турли хил талқини мавжуд. Айрим ёндашувларда ландшафт атроф муҳит (географик шароитлар)га тенглаштирилади. Бундай талқинда ландшафт унда яшайдиган кишиларга боғлиқ бўлмайди ва жиддий, сезиларли ўзгаришларга дучор бўлмаган [6]. Бошқа ёндашув ландшафтнинг культурологик хусусиятидан келиб чиқади. Бундай ёндашувда ландшафт – “атроф муҳит ваколлати, тузилиши ва рамзи усулларининг тизимидир” [7]. Т.Ингольдга кўра, “ландшафт - унда яшайдиган кишиларга маълум бўлган кўринишдаги олам”дир. Ландшафт – унсурларнинг худудий жойлашувига айланадиган фаоллиги намуналари, инсон фаолияти моделининг ташқи шакллари дир. Бизнинг географик адабиётларда ландшафт табиий система сифатида қаралади [8].

Ҳозирги географик адабиётларда “ландшафт” тушунчаси асосан 3 хилда талқин қилинади:

1) регионал талқинда ландшафт – вужудга келиши ва ривожланиш тарихига кўра бир хил, зонал ва нозонал белгиларига кўра бўлинмайдиган, яхлит геологик пойдеворга, бир хил типли рельефга, умумий иқлимга, ҳидротермик шароитлар, тупроқлар, биосенозларнинг бир хил бирикмасига ва, бинобарин, оддий комплексларнинг (*fatsiya, urochisha*) бир хил сажияли тўпламасига ва табиий чегараларига эга бўлган аниқ худуддир;

2) типологик талқинида ландшафтнинг нисбий бир хиллиги тўғрисидаги тасаввур эътиборга олинади, яъни ландшафт табиий компонентларнинг мужассамаси, бирдамлиги сифатидаги хоссаларига кўра ва унинг тарқалиши худудга боғлиқ бўлмаган ҳолда қаралади. Бу талқинда “ландшафт” термини ҳар қандай таснифий тоифаларга, худуднинг хоссаларига кўра ҳар қандай таснифий бирлик-

ларга қўлланилиши мумкин. Ландшафт типологик тушунча сифатида қаралганда ҳар қандай табиий ҳудудий комплекс эмас, балки нисбий бир хил табиий ҳудудий комплекс тушунилади. Шунингдек, типологик талқинда ландшафтлар регионал бирликлар, яъни табиий географик районлаштиришнинг бирликлари ҳисобланмайди. Табиий-географик районлаштиришнинг бирликларини ландшафт типологик бирликлари ҳосил қилади. Типологик талқинда ландшафт ташқи қиёфасига кўра ўхшаш, аммо ривожланишининг турлича тарҳига эга бўлган табиий ҳудудий комплексларнинг такрорланадиган ва ягона типини ҳосил қилади (ландшафт тури, ландшафт синфи, ландшафт типи). Типологик талқинда ландшафтларни тадқиқ қилишда регионал комплекслардаги каби индивидуал жузъиятлар эмас, балки муайян типга хос бўлган умумий жузъиятлар эътиборга олинади. Шу сабабли ландшафтлар учун ўзаро боғланмаганлик, кўп контурлилик хос бўлиб, улар бир хиллик, ўхшашлик тамойилларига кўра ажратилади.

Ҳар қандай ҳудудда ҳам умумий, ҳам хусусий жузъиятлар мавжуд, шу жузъиятларга асосланган ҳолда ландшафтларни таснифлаш мумкин. Типологик талқиндаги ландшафт ҳар қандай таснифий тоифага, ҳудудий бирликка қўлланилиши мумкин. Типологик талқинда ландшафт ареали катта майдонни ҳам, кичик жойни ҳам эгаллаши мумкин. Масалан, “чўл ландшафти” (тип), “қумли чўл ландшафти” (кичик тип), ҳаракатдаги қумлар ландшафти (гуруҳ) ва ҳ.к.

Типологик талқиндаги “ландшафт” тушунчаси “тупроқлар” тушунчасига яқин туради. Масалан, чўл ландшафтлари, дашт ландшафтлари в. б.;

3) ландшафт умумий талқинда ҳар қандай катталиқдаги регионал ва типологик комплексларнинг синонимидир. Бунда ландшафт тушунчасини иқлим, тупроқ, рельеф каби умумий тушунчалар билан қиёслаш мумкин. Ф.Н.Милковнинг фикрича, “ландшафт – тарихан шаклланган, узлуксиз ривожланадиган географик комплекслар кўринишида намоён бўладиган ўзаро тақозода ва ўзаро боғлиқликда бўлган предмет ва ҳодисаларнинг мажмуасидир” [4]. Умумий талқинда “ландшафт” термини бирликда қўлланилади. Масалан, “Қашқадарё ҳавзасининг ландшафти”, “чўл ландшафти” в. б.

Ландшафтнинг барча хилдаги талқинлари учун унинг табиий-худудий комплекслар сифатида тушунилишидир. Фарқи эса ландшафт тушунчасига қандай тип ва таксономик катталиқда қаралаётганлигидадир. “Ландшафт” тушунчасининг ҳар учала талқини табиий муҳитнинг назарий модели сифатида қараш мумкин. Йўналишларнинг ҳар бири муайян даражада амалиётга хизмат қилади. Географик тадқиқотларда системали ёндашувнинг кенг қўлланилиши муносабати билан ландшафт (табиий-худудий комплекс) регионал ва маҳаллий миқёсдаги геосистемалар сифатида қарала бошланди.

ланиши мумкин. Либерал ирода жамиятда норозилик кескин камайишига олиб келади, ҳар ҳолда қуюшқондан чиқиб кетмайди.

Ирода самарадорлиги

Ирода ҳар бир кишида индивидуал намоён бўлади. Айни пайтда унга шахс фаолиятининг жамият олдидаги маъсуллик хусусияти таъсир кўрсатади. Масалан, раҳбар шахс ва ижодкор шахс иродалари ўртасида умумий ўхшашликлар билан бир қаторда сезиларли фарқ бор. Раҳбар шахс ташкилотчилик қобилиятига эга қатъиятли, аммо адолатли бўлиши лозим. Ижодкор шахсларнинг кўпчилигида ташкилотчилик қобилияти заиф ёки умуман бўлмаслиги мумкин. Раҳбар масъулияти фақат унинг ўз шахси, оиласи олдидаги масъулиятгина эмас, балки бошқарадиган жамоаси, ҳатто бутун жамият олдидаги масъулиятдир. У одамлар тақдири учун жавобгар. Олим, адиб ёки санъаткор масъулияти ижод қиладиган соҳаси, олға сурадиган илмий ёки бадиий ғоялари, инсонпарварлик ва эзгулик идеаллари, жамият маънавияти олдидаги жавобгарликдир. Ижодкор шахс иродаси унинг жисмоний босимларга, қийноқларга ва қийинчиликларга бардош беришида эмас, балки ўз ижодий ғоясига содиқлигида, маънавий фидойилиқда юзага чиқади. Жисмоний қийноқ инсон табиатига зид. Агар инсон жисмоний қийноққа чидашга махсус ўргатилмаган ёки рухий, психологик жиҳатдан таёрланмаган бўлса, у қийноқ остида сирини очиб қўйиши, ўз ғоясидан “воз кечиши” мумкин. Бундай кишиларни, айниқса ижодкорларни кўроқ, иродасиз, деб баҳолаш ярамайди.

Сиёсий фаолият, курашнинг инқилобий, экстремистик йўллари танлаган шахслар ўз тақдирлари фожеали тугаши эҳтимолдан холи эмаслигини биладилар ва бунга психологик жиҳатдан тайёр турадилар. Сиёсий курашлардан йироқ олим ёки адиб психологик жиҳатдан қийноққа тайёр эмас. Унинг иродаси, юқорида таъкидланганидек, ғоясига содиқлигида, уни юзага чиқариш учун иқтисодий қийинчиликларга, сиёсий ва маънавий тазйиқларга дош бера олишда юзага чиқади, аммо жисмоний қийноққа эмас. Ушбу ҳолат Сталин даврида қатағонга учраган зиёлиларнинг бир-бирини “тортгани”, “сотгани” сабабларини қисман очиб беради. Биз уларни иродаси заиф, бинобарин, маънавияти паст инсонлар дея олмаймиз.

Шахс иродасининг самарадорлигини белгиловчи омиллар унинг фаолияти эзгуликка йўналтирилганлиги, ўзининг ҳаётга холис ва ҳаққоний ёндашишидир. Агар шахс ҳавойи, амалга ошмайдиган орзу-ҳавасларга, ғояларга муккасидан кетиб, хаёлпарастга айланиб қолса, унинг ақли, билими, ташкилотчилиги, елиб-югуриб, сидкидидан қилган меҳнатлари зое кетади, самара бермайди. Ҳаётда аниқ ҳисоб-китоблар асосида чуқур ўйланган, амалий натижа берадиган тадбирлар қўлланса, самара шунга мос бўлади. Бундай ёндашув прагматизм дейилади. Прагматизм шахс иродасининг самарадорлигини белгиловчи омиллардан биридир. Лекин маънавият кўрсаткичи, мезони эмас. Чунки прагматизм ахлоқ талаблари билан

ҳам қаршилик қилмай кўйиб, қўллаб-қувватлай бошласа, бундай шахснинг авторитар иродаси жамият ривожланишига тўсиқ бўлиб қолади.

Адолатсиз, обрўли шахснинг хоҳиш-истаги, кўрсатмаси, илтимоси қонундан устун қўйиладиган жамиятда шаклланган авторитар ирода ўта зиддиятлидир. Бир томондан, у ўзидан юқорироқ мансабдаги ёки мартабадаги шахс иродасига қарам, унга тўлиқ бўйсунди, эътироз билдира олмайди. Иккинчи томондан, у ўзидан кўйи турадиган шахс иродаси билан, зарур топса, мутлақо ҳисоблашмайди. Авторитар ирода эгаси қатъиятли, ақл-заковати юксак, моҳир ташкилотчи, ғурури, ор-номуси, адолат туйғуси кучли шахс бўлиши мумкин. Лекин у жамиятдаги мавжуд қоидаларни бирёқлама қабул қилади, адолатни бирёқлама тушунади, улар асосида яшайди ва фаолият кўрсатади. У умумий ёки ўз шахсий манфаати йўлида бошқа кишилар манфаати билан ҳисоблашмаслиги, бирёқлама тушунадиган адолат учун кимгадир адолатсизлик қилиши ҳеч гап эмас. Шу сабабдан авторитар ирода, ўз моҳиятига кўра, демократик, либерал, эркин бўлолмайди. У жамиятдаги мавжуд нотенглик зиддиятларини, қоидаларини, муносабатларини ўзида акс эттиради, улар таъсирида шаклланади.

Авторитар ирода юксак самара бермайди. Жамият ривожланишига дастлабки йилларда, айниқса инқироз ва парокандалик ҳукм сураётган пайтда интизомни тиклаши, жиноятчиликни камайтириши, ижтимоий ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқни тартибга келтириши билан ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ жамият самарали ва узлуксиз юксалиши учун тартиб-интизом ва қаттиқўллик камлик қилади. Жамият ривожланиши одамларнинг ташаббускор, ижодкор бўлишини, янгиликларга интилишини, хато қилишдан чўчимасдан, доимий изланишларда бўлишини талаб қилади. Авторитар бошқарув ҳукм сураётган мамлакатда одамлар мустақил ташаббус кўрсатишдан, бирор нарсани ўзгартиб, янгилик қилишдан, айниқса хато қилиб қўйишдан чўчийди. Аста-секин лоқайдлик, бефарқлик кучаяди. Одамлар фақат ижрочига айланиб, ижодкорликни унута бошлайди.

Демократик ва либерал ирода қонунга риоя этиш, адолат кучли бўлган, одамлар ўртасида ўзаро ишонч юқори, муҳим масалалар маслаҳат ёрдамида ҳал қилинадиган шароитда шаклланади. Демократик ва либерал ирода моҳиятан инсонпарвардир. У одамларга, жамиятга зарар етказадиган усулларни, воситаларни қатъиян рад этади. У ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва эркинликка хизмат қилади. Унда жамиятни ижтимоий ларзаларсиз тадрижий юксалтириш салоҳияти баланддир. Авторитар ирода ижтимоий-сиёсий барқарорликни потенциал жазоланиш кўркуви орқали таъминлайди, жамиятда яширин ва потенциал тарзда норозилик йўқолмайди. Маълум шароитда у қуошқондан чиқиб, қўққисдан ғалаёнларга ай-

Юқорида таъкидланганидек, сайёрамизнинг деярли барча катта-кичик ҳудудларида тарқалган ҳозирги ландшафтлар инсон фаолияти туфайли бевосита ёки билвосита муайян даражада ўзгартирилган. Шу сабабли ҳозирги ландшафтлар асосан антропоген ландшафтларнинг озми-кўпми ўзгартирилган табиий ландшафтлар билан бўлган ҳудудий бирикмасидан иборат. Умуман олганда, Ер шарида маълум даражада ўзгартирилмаган табиий ландшафтлар деярли сақланиб қолмаган, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки географик қобикдаги модда ва энергиянинг узлуксиз айланма ҳаракати туфайли инсон фаолиятининг таъсири остида бўлмаган Антарктида ва Антарктиканинг ландшафт компонентларида ҳам, баланд тоғ минтақаларида ҳам намоеън бўлади.

Шу сабабли ландшафт (геосистема) концепцияси кейинги 40-50 йил давомида сезиларли даражада ўзгарди. Чунки узоқ вақт давомида ландшафт ёпиқ, ўз-ўзини бошқарадиган система сифатида тасаввур қилинди. Ҳозир эса ландшафт очиқ динамик макон-замон системаси, “инсон ва табиат ҳамкорлиги системаси сифатида қаралмоқда. Т.Д.Александрова таъкидлаганидек, “табиий ҳосилаларнинг инсон фаолиятига ҳамроҳлик қиладиган алоҳида тоифаси сифатидаги антропоген ландшафтларнинг ҳар хил типларини тадқиқ қилиш ҳозирги ландшафтшуносликнинг энг кўп эътибор қаратиладиган долзарб муаммоларидан бирига айланган” [9].

Ҳозирги тасаввурларга кўра, ландшафт ўзаро таъсирдаги табиий ёки табиий ва антропоген компонентлардан, шунингдек, кичикроқ комплекслардан ташкил топган ҳудудий система. Бундай таърифда ландшафтни нафақат соф табиий, балки табиий-антропоген ҳосила сифатида қараш мумкинлиги таъкидланади.

Ҳозирги пайтда муайян ҳудуд табиатидан фойдаланиш жараёнида вужудга келган антропоген ландшафтларнинг мавжудлигини кўпчилик олимлар эътироф этишади. Аммо антропоген ландшафтларнинг терминологик тизимга солиш ва таснифлашга доир масалалар борасида ҳанузгача яқдиллик йўқ. Антропоген ландшафтлар ўзгариш даражасига кўра турли-туман бўлган ҳозирги ландшафтларнинг муайян бир турини ташкил этади. Шу сабабли ҳозирги ландшафтларни таснифлаш антропоген ландшафтларнинг моҳияти ва хусусиятларини очиқ бериш имкониятини беради.

Ҳозирги ландшафтларни антропоген омиллар таъсири остида ўзгариш (антропогенлашиш) даражасига кўра тасниф қилиш мақсадида мавжуд масалага доир адабиётлар билан танишув ва таҳлил қилиш асосида ҳозирги ландшафтларнинг 4 та асосий (табиий, табиий-антропоген, қайта табиийлашган ва антропоген ландшафтлар) гуруҳини ажратиш мумкин [10].

Табиатда айнан такрорланмайдиган ривожланишнинг мавжудлиги туфайли табиий қонуниятларга бўйсунадиган комплексларгина антропоген ландшафтларни ҳосил қилади. “Ландшафтлар

муҳофазаси” деб номланган изоҳли луғатда (рус тилида) антропоген ландшафтлар “хусусиятлари инсон фаолияти натижасида юзага келган ландшафтлардир ва улар ўзининг табиий таърифларини сақлаб қолган тақдирда ҳам ўзида маданий ўсимликлар, ўзгарган тупроқ хусусиятлари, ер ости ва ер усти сувлари режими кўринишида “антропоген“ мазмун касб этган бўлади”, деб изоҳланган [11]. Бундай ҳолда Ер юзасида тарқалган ландшафтларнинг кўпчилиги антропоген ландшафтлар қаторига мансуб. Таъкидлаш лозимки, антропоген ландшафтлар табиий сифатларидан ташқари янги ижтимоий сифатларга эга бўлади.

Антропоген ландшафтшунослик нисбатан янги илмий йўналиш бўлганлиги туфайли унда ҳанузгача ечимини топмаган муаммоли ва мунозарали масалалар талайгина. Шулардан бири қайси ландшафт қай даражада антропогенлашган ва уларни антропоген ландшафтлар деб аташ мумкинми ёки табиий ландшафт қачон антропоген ландшафтга айланади, табиий ландшафтларни антропоген ландшафтларга айлантирилиши учун компонентлар қандай ўзгартирилиши лозим каби саволлардир. Юқоридаги саволларга жавоб бериш учун ландшафт компонентларининг тенг кучли ёки нотенг кучли эканлигини аниқлаш лозим. Кўпчилик тадқиқотчилар ландшафт компонентларини тенг кучли ёки тенг аҳамиятли деб ҳисоблайди. Ф.Н.Милков компонентларнинг ландшафт ҳосил қилувчи омил сифатидаги аҳамиятини тенг деб ҳисоблайди. Шу сабабли ландшафтни тубдан ўзгартириш учун унинг барча компонентларини ўзгартириш шарт эмас. Ландшафтни ўзгартириш учун унинг компонентларидан бирини ўзгартириш етарлидир. Бирор бир компонентнинг ўзгариши моддий системадаги ўзаро алоқаларнинг бузилишига олиб келади ва занжирсимон тарзда бошқа компонентларни ва пировардида бутун ландшафтнинг ўзгаришига, ландшафт янги ҳилининг вужудга келишига олиб келади. Шу нарса алоҳида таъкидлаш лозимки, вужудга келган янги ландшафт компонентлари орасидаги алоқалар инсон томонидан бошқарилиб турилади.

Антропоген ландшафтлар учун барча табиий жараёнлар, табиий-географик ҳодисалар ва цикллар табиий ландшафтлардагига нисбатан тезроқ кечиши, жараёнларнинг норитмийлиги, барча экосистемаларнинг соддалашганлиги, ландшафт кимёвий мувозанатининг (кимёвий ўғитлардан фойдаланиш, саноат районларида зарарли кимёвий элементларнинг тўпланиши, шаҳарларда тарқоқ иссиқлик энергиясининг) тўпланиши хос.

Антропоген таъсир таъсир даражаси ва ўзгариш даражасига кўра ландшафтлар кам ўзгарган, ўртача ўзгарган ва кучли ўзгарган ландшафтларга бўлинади.

Инсон томонидан яратилган антропоген ландшафтлар табиий ландшафтлардан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Антропоген ландшафтлар учун биологик айланма ҳаракат, сув-иссиқлик балан-

Хулоса қилиб айтганда, иродасиз маънавият кемтик, нотугал ва амалий жиҳатдан заифдир. Маънавиятсиз ирода эса стихияли, кўр-басир, зиддиятли ва хавфли ижтимоий энергия, куч даражасида қолиб кетади. Унинг яратувчилик салоҳияти паст бўлади. Фақат ижобий мақсадга йўналтирилган ирода унумли натижаларга олиб келади.

Самарали ирода шахс ва жамият яратувчилигини, фаоллигини юзага чиқарувчи омилдир. Иродасиз инсон на ўзини, на жамиятни ўзгартира олади. Шопенхауэр таъбирини бироз ўзгартириб, инсон ва ижтимоий воқелик ирода маҳсулидир, ироданинг предметлашган шаклидир, десак унчалик хато қилмаймиз.

Авторитар, қарам ҳамда демократик, либерал ирода

Шахс иродаси мазмунан авторитар ёки демократик, қарамлик ёки либераллик касб этиши мумкин. Авторитар ирода икки йўналишда таҳлил этилиши лозим. Биринчидан, авторитар шахснинг хулқ-атвори, ижтимоий ва сиёсий фаолияти, ўз маъсулиятини тушуниш даражаси сифатида. Иккинчидан, ижрочининг авторитар шахс қарорларини эътиқод билан бажарувчи, унга ихтиёрий бўйсунувчи қарам шахснинг иродаси сифатида. Қарам шахслар ҳар доим ҳам бўш-баёв кишилар бўлмаган. Улар орасида қатъиятли, ташкилотчилик қобилиятлари ва ақл-заковати кучли кишилар кўп учрайди. Масалан, Сталин ва Гитлернинг яқин сафдошлари шундай кишилар сирасига киради. Бундан ташқари, оддий авом халқ дохий ва унинг сафдошлари фикрини ва қарашларини нотанқидий, тўғри ва ҳаққоний деб қабул қилишда, “амри подшо вожиб”, ёки “тепангга келтириб, таёқни кўйиб, сенинг бошлигинг десалар, таёққа бўйсунгин” каби нақллар авторитар ироданинг авом онгида ва хулқида юзага чиқишига мисолдир.

Авторитарлик ўз қарорини, фикрини бошқаларникидан устун кўйиб, бошқалар фикри ва хоҳиши билан, баъзан ҳатто объектив вазият билан ҳисоблашмаслик, ўз қарорини бошқаларга мажбурлаб ўтказишдир. Бундай авторитар иродали шахслар волонтаристлар дейилади. Улар ҳамма жамиятларда учрайди, аммо нодемократик ва тоталитар жамиятларда кўпроқ етишиб чиқади. Авторитар ирода маълум даражада инсоннинг табиий мойилликлари таъсирида шаклланади. Аммо у асосан тарбиянинг ва жамиятдаги баъзи бир шарт-шароитларнинг маҳсулидир. Қийин, оғир вазиятларда ўзини йўқотиб қўймасдан, бошқаларни ортидан эргаштира оладиган, бундай вақтларда одамларга фойдаси тегиб, катта обрў орттирган, жамонинг, сафдошларининг етакчисига айланган кишилар аста-секин авторитар шахсларга айланиши мумкин. Бунда уларнинг мардлиги, матонати, ақл-заковати, ташкилотчилиги, қатъияти катта роль ўйнайди. Одамлар унга ихтиёрий равишда бўйсунди, фикри ва тақлифларига, талабларига эътироз билдирмайди. Ушбу ҳолат қоидага айланиб, одамлар бундай шахснинг нотўғри фикри ва талабларига

Депутатлар фракциялари кўриладиган масалалар бўйича қанчалик баҳслашмасин, охирида келишув (консенсус)га эришади. Бу мақсадда улар бир-бирига маълум даражада ён босади. Кўпчиликни қаноатлантирадиган таклифларни биргаликда ишлаб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади. Акс ҳолда бутун парламент тарқатиб юборилади ва қайта сайланади.

Шундай қилиб, демократик мамлакатлар парламенти хилма-хил сиёсий қарашларни, мафкураларни, сиёсий манфаатларни ифодалайди, аммо айни пайтда умумий манфаатлар асосида муштарак миллий ҳокимият тармоғини ташкил этади. Парламентнинг хилма-хилликлар бирлиги, муштараклиги миллий манфаатларни, ижтимоий заруриятни теран англашга ва унинг асосида ҳаракат қилишга, яъни миллий иродага боғлиқ. Жамиятнинг демократлашиши ва фуқаролик институтларининг самараси фақат қонунчилик базаси мустаҳкамлигига, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигига боғлиқ эмас. У, шунингдек, инсоннинг, миллатнинг ўз манфаатларини, ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган иродасига ҳам боғлиқ. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилолмайдиган, қийинчиликларни ва ўз камчиликларини, маҳаллийчилик, айирмачилик иллатларини бартараф этишга куч тополмайдиган жамиятда демократия яхши ривожланмайди, чала бўлиб қолаверади.

Миллий ирода мустақилликка эришишдан ташқари, эркин ва муносиб тараққиётни таъминлаш, миллий орзу-истакларни, миллий ғояни амалга ошириш учун зарур. Ўз навбатида, миллий ғоя халқ иродаси чиникишига, кучайишига хизмат қилади. Унинг олий мақсадларини, мўлжалларини ва бу йўлдаги ҳаракат алгоритминини аниқлаб беради. Халқ олий мақсадларига эришиш йўлида янада мустаҳкамроқ жипслашади, ўз куч-ғайратини, ақл-заковатини сафарбар этади, яхши ташаббусларни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради. Тўғри йўналтирилган ирода ўзидаги яратувчилик кучини юзага чиқаради. Миллий ғоя орқали ирода халқнинг маънавий илдиэлари, асрий маданий мероси ва замонавий қадриятлари ҳамда умуминсоний қадриятлар билан янада мустаҳкамроқ туташади. Натижада унинг ижодкорлик, яратувчанлик салоҳияти, амалий самарадорлиги ошади.

Маънавият туфайли ирода мазмунан ватанпарварлик касб этади, сохта ғояларга учмайди ва ғайриинсоний мақсадлар йўлига адашиб кириб кетмайди. Маънавиятнинг асл моҳиятидан ажралиб қолган ирода эса бундай хавфдан холи бўлмайди. Чунки иродага хос маълум даражадаги иррационализм, қатъият, ҳар қандай тўсикни енгиб, мақсад сари интилиш, агар маънавий мезонлар унутилса, восита танлашда адашиб кетишга олиб келиши мумкин. Бу эса иродани бунёдкор кучдан вайронкор кучга айлантиради. Мақсад воситани ҳар доим ҳам оқламаслигини иродага маънавиятнинг инсонпарварлик меъёрлари эслатиб туради.

си, тупроқ жараёнлари, жонли организмларнинг сони ва турлар таркибининг қайта тузилиши хосдир. Антропоген ландшафтларнинг ўзгариши туб табиий ландшафтларнинг ўз-ўзидан ривожланишига нисбатан анча тезроқ содир бўлади. Антропоген ландшафтларнинг бу хусусияти улардан фойдаланиш жараёнида бир томондан ноҳуш ўзгаришларга жиддий эътибор беришни, бошқа томондан эса қисқа вақт давомида (бир авлод ҳаёти давомида) ландшафтларни тартибга солиб туриш ва қайта тузиш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Антропоген ландшафтлар табиий ландшафтлардан энг аввало вужудга келган шароитларига кўра фарқ қилади; улар инсоннинг фаол аралашуви натижасида шаклланади. Шу сабабли антропоген ландшафтни инсон томонидан яратилган табиий – хўжалик комплекси сифатида қараш лозим. Дарҳақиқат, антропоген ва табиий ландшафтлар орасида уларнинг вужудга келиши ва ривожланиши табиий омиллар билан бир қаторда инсоннинг фаолияти (антропоген омил) туради. Демак, ҳар қандай антропоген ландшафт – табиий ландшафтларнинг ҳам табиий омиллар, ҳам антропоген омиллар таъсири остида ўзгаришининг (динамикасининг) маҳсуласидир. Уларнинг ривожланиши инсон ўзининг ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланадиган табиий қонуниятларга бўйсунди. Антропоген ландшафтларда табиий жараёнларнинг йўналиши ва тезлиги мақсадли равишда ўзгартирилади. А.М.Рябчиков таъкидлаганидек, ҳар қандай ўзгарган, ўзгартирилган ва ҳатто сунъий ландшафт ҳам табиий ландшафт асосида ва унинг чегараларида вужудга келтирилади. Антропоген омиллар таъсирида ўзгариш жараёнида ландшафтда янги тузилма ва янги сифат ҳосил бўлади. Улар инсон томонидан доимо қувватланиб турганлиги сабабли вужудга келган ландшафтлар туб табиий ландшафтларга нисбатан анча тез ривожланади. Чунки, юқорида айтилганидек, антропоген ландшафтлар ҳам табиий, ҳам антропоген омилларнинг биргаликдаги таъсири остида ривожланади. Аммо шунга қарамасдан антропоген ландшафт туб табиий ландшафт каби ўзининг генетик (вужудга келишига кўра) бир хиллигини ҳам зонал, ҳам нозонал жиҳатдан сақлаб қолади ва қайси зона (ёки баландлик минтақаси)да вужудга келган бўлса, шу зонанинг табақалашув қонуниятларига бўйсунди [12].

Ландшафтларни ўрганиш муҳим умумилмий ва амалий аҳамиятга эга. Зеро, ландшафтлар – табиий ресурсларга эга бўлган ва ресурслар қайта тикланадиган ҳамда генофонд сақланадиган табиий система, инсоннинг ҳаёти ва фаолияти кечадиган муҳит, табиий лаборатория ва эстетик идрок қилиш манбаидир. Ландшафт – инсоннинг ҳаёти ва турли хил фаолиятининг муҳити сифатида қаралади. Инсон ҳаёт фаолиятининг муҳитини ўрганишда нафақат ишлаб чиқариш ва социал-маиший ҳолат, балки ландшафтнинг табиий хоссалари ҳам назарда тутилади. Ландшафтнинг муҳитни қайта тиклайдиган система бўлиш, кишиларнинг ҳаёти учун зарур бўлган

шароитларни (ҳавонинг газ таркиби, сувнинг таркиби в. б.) доимий ҳолда қайта тиклаш каби муҳим хоссаларини сақлаб қолиш зарур.

Шу сабабли антропоген ландшафтларни учта кичик гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1) маданий ландшафтлар – инсон томонидан мақсадли равишда илмий асосда яратилган, структуравий алоқалар, доимий равишда инсон томонидан мелиорация, культивация, кимёлаштириш ва бошқа тадбирлар орқали бошқарилиб туриладиган, оптимал тузилмага ва функционал хоссаларга эга бўлган, хўжалик фаолияти учун энг яроқли бўлган антропоген ландшафтлар (экинзорлар, боғлар ва плантациялар, маданий (экилган яйловлар в. б.). Шундай қилиб, маданий ландшафтлар сифати яхшиланган, унумдорлиги оширилган, инсоннинг меҳнат қилиши, дам олиши, эстетик завқланиши учун қулай ўзгартирилган ландшафтлардир. Шу нуқтаи назардан қаралганда, маданий ландшафтлар деб инсон фаолияти натижасида ландшафт илгарига нисбатан янги хоссаларга эга бўлган ҳудуд тушунилади.

А.Г.Исаченконинг фикрича, маданий ландшафт юқори унумдорликка ва иктисодий самарадорликка ҳамда кишиларнинг ҳаёти учун уларнинг саломатлигини асраш, жисмоний ва руҳий ривожланишига имкон берадиган табиий муҳитга эга бўлиши лозим. Булардан ташқари маданий ландшафт қуйидаги хоссаларга ҳам эга бўлиши лозим:

- табиий ресурслар салоҳиятини асраш ва табиий муҳит сифатини яхшилаш маданий ландшафтнинг асосий вазифалардан бири бўлиши;

- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

- ландшафтдаги табиий ва антропоген унсурларнинг уйғунлашган бирикмаси;

- деструктив геоэкологик ҳодисалар ва жараёнларнинг мумкин даражада кам бўлиши;

- эстетик, чиройли ва манзарали ландшафт каби;

2) техноген ландшафтлар (геотехсистемалар) – инсон томонидан табиий асосда яратилган (сув омборлари, аҳоли манзилгоҳлари, саноат-транспорт комплекслари, суғориш тизимлари, воҳалар ва бошқа ландшафтлар) ва анча кучли даражада ўзгартирилган ландшафтлар. Масалан, йирик шаҳарларнинг ҳудудида табиий биосенозлар деярли батамом йўқотилади ва уларнинг ўрнини табиий ландшафт учун хос бўлмаган яшил ўсимликлар эгаллайди; бу ерда мезорельеф ҳам ўзгаради, сизот сувларининг режими батамом ўзгача тус олади, ўзига хос микроклим вужудга келади в. б.;

3) бузилган (деструктив ёки номаданий) ландшафтлар – антропоген ландшафтларнинг бу кичик гуруҳига мансуб бўлган ландшафтлар одатда ҳудуднинг табиий ресурсларидан нотўғри фойдаланиш туфайли вужудга келадиган ландшафтларнинг

Эркинлик ўзбошимчалик эмас, билганимни, истаганимни қиламан дегани эмас. У заруриятни англаш ва унга мувофиқ ҳаракат қилиши сифатида маъсулликдир.

Масалага чуқурроқ ёндашилса, эркинлик – бу жамият ва унинг келажаги олдидаги маъсулиятдир. Шу сабабдан айрим ҳолларда ақл-заковати кучли, иродали шахслар жамият келажагини ўйлаб, баъзи бир тартиб-қоидаларга қарши чиқадилар, тинч-осойишта, хузур-ҳаловатли турмушини хавф-хатарга қўяди, қийинчиликларга дуч келади. Ташқи жиҳатдан бундай шахслар қийинчилик ва муаммолар қуршовига тушса-да, ички жиҳатдан маънавий эркин шахс бўлиб қолаверадилар.

Эркинлик ирода билан узвий, диалектик бирликни ташкил этади. *Ирода онгли танланган мақсад сари ўз фаолиятини йўналтириши, муайян воситалар ва усулларни белгилаш сифатида эркинликнинг “моддийлашуви”, воқелигидир.* Эркинлик эса ироданинг моҳияти, ички салоҳияти, ҳаётбахш кучи ва ташқи олий мўлжалидир. *Маънавият эркинликка ирода орқали ва унинг воситасида интилади.* Юқоридагилардан маънавиятнинг таркибий қисми сифатидаги ироданинг аҳамияти ойдинлашади.

Ирода ва миллий тараққиёт

Маънавиятнинг барча таркибий қисмларига, унсурларига ироданинг таъсири катта, аммо, табиийки, бир хил эмас. Унинг таъсири бугунги кунда маънавиятнинг етакчи ва жуда динамик, ҳаракатчан тизимларидан бири миллий ғоя ва Ўзбекистон мустақил тараққиёти назарияси шаклланишига, ҳаётга татбиқ этилишига кучлидир.

Иродаси бўш халқ туб манфаатларини юзага чиқаришда, ҳатто уларни тўла ва теран англаб олишда қийналиб қолади. Ўзлигини яхши англай олмаган халқ эса миллий ғоясини ифодалай олмайди. Оқибатда, унинг маънавий ҳаётига ички муштараклик ва умумий мақсадга интилиш етишмайди. Чунки маънавий ҳаётга муштараклик ва умумий мақсадни миллий ғоя беради.

Таъкидлаш лозимки, бу муштараклик социализм давридагидек казармача бир хиллик эмас, балки ранг-барангликлар, хилма-хилликлар бирлигидир, ғоялар, идеаллар, фикрлар ва ҳаракатлар плюрализмининг ички ўзаро маҳкам боғланган ягона тизимга айланишидир. Бундай тизимда унинг таркибий унсурлари, алоҳида қаралганда, мухторий (автоном) ва нисбатан мустақил характерга эга, аммо биргаликда олинганда, юқорироқ даражадаги муштаракликни, динамик мувозанатни ташкил қилади. Мисол тариқасида демократия ривожланган мамлакатлар парламентини олиш мумкин. Улар ўз партиялари дастурларига амал қилувчи турли депутатлар фракцияларидан иборат. Аммо парламент ўз халқи ва мамлакатнинг умумий манфаатларини ифодалайди, айна пайтда ҳар бир ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини ҳисобга олишга интилади.

ётган бугун табиатни ҳалокатга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Бошқа томондан, булар илмий тараққиётни чеклаш учун сабаб бўлмайди. Табиат сирларини билишга интилиш, янгидан янги билимларни эгаллаш инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган яна битта моҳиятли хусусиятидир. Бусиз юксалиш, тараққиёт юз бермайди. Инсон янги илмий-техникавий, технологик ютуқларга интилмаса, жамият турғунликка юз тутаяди, охир-оқибатда ҳалокатга учрайди. Тез кўпаяётган инсоният ўзини ўзи боқа олмай, панэпидемиялар ва табиат катаклизмларидан ўзини ҳимоя қилолмай қолади. Хуллас, эркин танлаш муаммоси долзарблашиб бормоқда.

Эркин танлаш шунчалик мураккаб экан, эркинликнинг ўзини нима? Эркинлик жамият ва инсон тараққиётининг зарурат шартидир. Ф.Шиллер таъбири билан айтганда, мақсади улуглашган сари, одам ҳам улуглашиб боради. Юксак мақсади орқали, унга ҳалол йўл ва воситалар танлаб интилиш инсонни олижаноб фазилатлар билан бойитади. Мумтоз мутафаккирлар ва замонавий алломалар ножоиз воситаларни оқловчи мақсад ҳеч қачон юксак мақсад бўлолмаслигини таъкидлаганлар. Яъни эришиш учун нопок, ноҳалол йўлни талаб этадиган мақсаднинг ўзи ҳам тубандир.

Эркинлик озодлик ва мустақиллик тушунчаларига нисбатан кенгрок мазмунда қўлланилади. Озодлик деганда биз ижтимоий ёки маиший қарамликнинг қандайдир кўринишларидан (сиёсий қарамлик, иқтисодий қарамлик, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилиши, урушда, жангда асир тушиши ва ҳ.к.), қандайдир йирик ёки майда муаммолардан, иллат ва қусурлардан қутилишни тушунамиз. Мустақиллик деганда кўпроқ давлат мустақиллигини ёки маиший мазмунда боланинг балоғатга етишини, уй-рўзғор ва турмушини мустақил ташкил этишини назарда тутамиз.

Эркинлик озодлик ва мустақиллик тушунчасига нисбатан анча кенг ва теранроқ. Миллий мустақиллик миллатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини қўлга киритганини, ички сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётини ва халқаро муносабатларини ҳеч бир давлатга қарам бўлмасдан, ўзи белгилашини билдиради. Лекин мустақил ривожланиш сиёсати тўғри ёки хато олиб борилиши мумкин. Мустақил сиёсат юритиш ижтимоий заруратни чуқур ва тўғри англаб олиш дегани эмас. Миллий мустақилликка эришган кўплаб Осиё ва Африка мамлакатларида эркинлик ва демократия ҳалигача анча оқсоқ.

Эркинлик озодлик, мустақилликка қўшимча равишда яна шахс ва миллат ўз объектив эҳтиёжларини, давр, шарт-шароит тақозосини, бугунги кун ва келажак талабларини, жамиятнинг ривожланиш, янгиланиш тенденцияларини тўғри англаб, барча саъй-ҳаракатларини, амалий бунёдкорлик ишларини уларга монанд қилишни билдиради. Нотўғри англаш зарурат ҳақиқий эркинликка олиб келмайди. Балки инсон (жамият) ўз хатосининг тутқинига айланади.

бузилиши маҳсуласидир. Бузилган ландшафтларни ҳозирги пайтда тоғ ва тоғ-олди ҳудудларида ҳам, текисликларда ҳам кўриш мумкин (эрозияга учраган ерлар, шўр босган ерлар, ташландик карерлар, терриконлар ва бошқа ярқисиз ерлар) [12].

А.А.Абулқосимов Ўрта Осиёдаги барча антропоген ландшафтларни 10 та (суғориладиган қишлоқ хўжалиги; воҳа селитеб; рекреацион; саноат; мадфун қадимий селитеб ва бошқа антропоген ландшафтлар) синфига ажратган [13].

Ландшафт нафақат илмий тадқиқот, балки инсон фаолиятининг объекти ҳамдир. Ландшафт – табиий қонунлар асосида мавжуд бўлган, ўз-ўзини бошқарадиган, тиклайдиган, моддий ва номоддий ресурсларни сарфловчи, ҳосил қилувчи, тўпловчи ва ҳудудий такрорланувчи геосистемадир. Зеро, ландшафтлар – табиий ресурсларга эга бўлган ва ресурслар қайта тикланадиган ҳамда генофонд сақланадиган табиий система, инсоннинг ҳаёти ва фаолияти кечадиган муҳит, табиий лаборатория ва эстетик идрок қилиш манбаидир.

Хўжалик тармоқлари учун ландшафт қайта тикланадиган ресурсларни ишлаб чиқариш манбаи, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги учун биомасса қайта тикланишининг табиий механизмидир. Ландшафтлар ресурсли табиий система сифатида муҳофаза қилинаётганда унинг ресурсларини қайта тиклайдиган хоссаларини асраш, эрозия, ифлосланиш туфайли бузилишдан сақлаш каби тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилиш лозим. Бу ландшафт тузилмаси ва мавжудлигининг жузъиятларини билиш ва аниқлаш асосида бўлиши лозим.

Атмосфера, гидросфера ва литосферанинг бир-бирига кириб турадиган ва туташган қисмида уларнинг энг фаол ва ўзаро бир-бирига кириб туриши ва ўзаро таъсири содир бўлади, айнан шу жойларда ҳаёт тўпланганлиги кузатилади, тупроқлар ҳосил бўлади. Геосфераларнинг бир-бирига тўғридан тўғри ўзаро тегиб турадиган, туташган ва фаол ўзаро таъсирда бўладиган юпқа қатлами ландшафт сфераси дейилади [4]. Ландшафт сфераси географик қобикнинг марказини, табиий компонентларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро бир-бирига кириб туриши фаол бўлган ядросини ва жойлашувига кўра энг ички қисмини ҳосил қилади. Органик ҳаётга тўйинганлигига кўра ландшафт сфера географик қобикнинг биологик фокусини ташкил этади. Ландшафт сферада ландшафтларнинг кенглик зоналиги, баландлик минтақаланиши ва секторлиги айниқса яққол намоён бўлади. Барча жонли модданинг 95% дан зиёдроғи ландшафт сферасида тўпланган. Ер пўстининг ҳипергенез қатламида Қуёш энергияси, ҳаво ва биологик муҳит таъсирида Ер бағирларида ҳосил бўлган минераллар Ер юзаси ҳарорати ва босими шароитларидаги иккиламчи минералларга айланади, тупроқлар ҳосил бўлади; ҳипергенез қатламида ва бевосита Ер юзасида модда ва энергиянинг ўзаро алмашуви жуда интенсиф бўлади.

Ландшафт сфераси ландшафтшуносликнинг тадқиқот объектини ташкил этади. Ҳозирги пайтда ландшафтшунослик “Ернинг ландшафт сфераси ва унинг таркибий қисмларини ташкил этувчи ландшафт комплекслари, уларнинг морфологик структураси, географик тарқалиши, ривожланиш тарихи ва ҳўжаликда фойдаланиши тўғрисидаги фандир” [14]. Ландшафтшунослик табиий-географик фанлар қаторига киради ва уларнинг ўзагини ташкил қилади ҳамда уларни боғлаб туради. Ландшафтшуносликнинг вазифаси регионал ва локал геосистемаларини, яъни табиий ҳудудий комплексларнинг дифференциация ва интеграция, ривожланиш ва жойланиш, уларнинг турли хоссаларини, мавжудлигини, динамикаси ва эволюциясининг қонуниятларини ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Ландшафтшунослик фундаментал, методик ва татбиқий йўналишлар тизимидан иборат. Географик ландшафт тўғрисидаги таълимот ва табиий географик районлаштириш ландшафтшуносликнинг асосини ташкил этади. Ҳозирги пайтда ландшафтшунослик доирасида ландшафт морфологияси, геотопология, ландшафт геокимёси, антропоген ландшафтшунослик, амалий ландшафтшунослик ва бошқа йўналишлар шаклланди.

Ҳозирги давр ландшафтшунослиги инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатини оптималлаштиришнинг илмий асосларини, маданий ландшафтларни яратиш тамойиллари ва методларини ишлаб чиқиш билан фаол шуғулланмоқда. Ландшафтларни билиш инсон ва табиат ҳамкорлигининг асоси бўлмоғи лозим. Ландшафтшунослик муҳим дунёқараш аҳамиятига эга, унга инсонпарварлашув, экологиялашув, конструктивлик ғоялари сингиб кетган.

Адабиётлар

1. Тютюнник Ю.Г. О происхождении и первоначальном значении слова “ландшафт” // Изв.РАН Сер. геогр., 2004, № 4. - С. 116-122.
2. Джеймс П., Мартин Дж. Все возможные миры. История географических идей. - М.: Прогресс, 1988. - 672 с.
3. Schmithüsen, J. 1963. Was ist eine Landschaft. Erkundliches Wissen. -№ 9. Wiesbaden: Franz Steiner.
4. Мильков Ф.Н. Общее землеведение. - М., 1990. - 335 с.
5. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. - М.: Высшая школа, 1991. - 366 с.
6. Cristal, D. (ed.). 1990. The Cambridge Encyclopedia. - Cambridge: Cambridge University Press. - P.412.
7. Daniels, S. Cosgrove. 1988. Introduction: iconography and landscape. In the Iconography of Landscape. 1-10. - P.1.
8. Ingold, T. 1993. The temporality of the landscape. World Archeology. 25. 152-74. - P.156.
9. Александрова Т.Д. Теоретические исследования в ландшафтоведении конца XX века (некоторые сюжеты) // Известия РАН. Серия географическая. - М., 2001, № 6. - С. 27.
10. Абдуллаев С.И., Эшниёзов Н. Ҳозирги ландшафтлар ва уларни таснифлаш. // Жанубий Ўзбекистон табиатини ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. 3-ж. - Қарши: Насаф, 2002. - Б. 62-65.
11. Охрана ландшафтов. Толковый словарь. - М.: Прогресс, 1982. - 272 с.

кирлар бу ғояни қаттиқ танқид қилдилар. Буюк немис файласуфи И.Кант (1724-1804) “инсон восита эмас, мақсаддир” деган тамойилни олға сурди. И.Кантнинг ушбу ғояси давлат сиёсий иродаси ва фуқаролик жамияти ташкилотлари фаолиятининг бош тамойилига айланмоғи лозим.

Ирода эркин танлашнинг юзага чиқиши сифатида аслида ахлоқ ҳодисасидир. Шу сабабдан антик олимлар этиканинг предмети – ирода, деб ҳисоблаганлар. Инсон ҳар қандай қарор қабул қилишдан аввал унинг оқибатлари, одамларга ва жамоага (жамиятга) зиён етказмаслиги тўғрисида ўйлаши керак. Эркин танлаш – ахлоқий танлашдир. Аскарларини ўлимга жўнатаётган қўмондон, оммавий қирғин қуролини яратаётган олим, яқин кишиси содир қилган жиноятни фош этиш ёки яшириш муаммосига дуч келган кишининг қабул қиладиган қарорлари биринчи галда ахлоқийлик жиҳатдан баҳоланади.

Эркин танлаш инсон ҳаёти ва фаолияти каби ранг-баранг ва зиддиятли. У жамият тараққиёти жараёнида хилма-хиллашиб, мураккаблашиб боради. Булар ҳақида гапиришдан аввал, инсон дуч келадиган дилеммалар масаласини эслаш ўринлидир. Дилемма икки қарама-қарши, бир-бирини тўлиқ истисно қиладиган нарсадан биттасини танлаш муаммосидир. Масалан, ойлик маоши бола-чақасини боқишга, рўзғорини тебратишга етмаётган кичик амалдор пора олиши, ҳожатманд кишиларга кўрсатган хизмати учун совға-салом олиши ахлоққа мос келадими? Ёки бурч ва кўнгил (муҳаббат) дилеммаси. Бола-чақа, оила олдидаги бурчга содиқ қолиш керакми ёки бошқани севиб қолган кўнгилга қулоқ тутиб, оиладан, бола-чақадан воз кечиш керакми? Душман кўлига тушган асир бурчига содиқ қолиб, ўлимни танлаши ёки хоинлик қилиб жонини қутқариши мумкинми? Инстинктга қай даражада ён босса бўлади? Бундай дилеммаларга дуч келган одам, ўзининг маънавияти, ахлоқий салоҳияти, иродасидан келиб чиқиб қарор қабул қилади.

Фан ва ахлоқ масаласи ҳам мураккаблашиб бормоқда. Илмий билиш, фан ютуқларини амалиётда қўллаш чегараси тўғрисида баҳслар йилдан йил кучаймоқда. Оммавий қирғин қуроллари – термоядро, кимёвий, биологик қуроллар тўғрисидаги баҳслар охириги 70-100 йилдан буён давом этмоқда. Улар қаторига бугун ирсий модификацияланган маҳсулотлар, ҳайвонларни ва одамларни клонлаштириш муаммоларини ҳаёт кун тартибига қўйди. Жамоатчиликнинг фикри бу борада қарама-қарши. Айрим кишилар биотехнологиялар ва клонлаштиришга ижобий қарасалар, бошқалар салбий қарайдилар. Кўпчилик иккиланади. Чунки биотехнологиялар ва клонлаштириш қандай ирсий ва ахлоқий оқибатларга олиб келишини олдиндан айтиш қийин. Бундай технологиялар ўйланмасдан қўлланилса, умуман фан ва техника тараққиёти ахлоқ билан боғланмаса, назорат қилинмаса, инсониятни, уни ўраб турган, у яша-

Баъзан уларни оқлаш мумкин, кўпинча эса мутлақо оқлаб бўлмайди. Масалан, урушда душманни чалғитиш мақсадида, камсонли аскарлар билан қайсидир жойда ҳужумга ўтилиб, асосий кучлар билан бошқа жойда зарба берилган. Душманни чалғитиб, жанг бошлаган гуруҳ катта талофатлар кўрган, ҳатто тўлиқ ҳалок бўлган. Лашкарбоши ғалаба қозониш учун онгли равишда аскарларнинг бир қисмини ўлимга юборган. Агар бу уруш халқни, Ватанни босқинчилардан, қаттол душмандан ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган адолатли уруш бўлса, лашкарбоши қарорини оқлаш мумкин. Агар адолатсиз, босқинчилик уруши бўлса, уни ҳеч бир жиҳатдан оқлашнинг иложи йўқ.

Тарихда инсонпарварликка, эзгуликка зид қарор қабул қилишларга мисоллар жуда кўп. Одамларни кўрқувда ва итоатда сақлаб, мамлакатни зўравонлик ёрдамида бошқариш мақсадида ёвуз ҳукмдорлар ва қаттол тузумлар ахлоқийликка зид сиёсат юритганлар. Улар ўз сиёсатини кўпчилик манфаатлари, интизом ва тартиб, халқ, миллат тинч-осойишталиги ва равнақи билан оқлашга ҳаракат қилганлар. Мустабид ҳукмдорлар жамиятда ўзларига маъқул ўзгаришлар қилиш учун ҳатто айрим табақаларни, қатор халқларни ва бошқача фикрлайдиган кишиларни ҳуқуқий жиҳатдан чеклаган, қатағон қилган. Гитлер даврида Германияда яҳудийлар ва лўлилар жисмоний ўлимга маҳкум этилди. Ноарий халқлар ҳуқуқлари чекланди.

Собиқ СССРда социализм қуриш тажрибаси ҳам кўплаб мисоллар беради. Буржуазия ва кулоқлар (ўзига тўқ, ишчан, хўжалиги бутун дехқонлар) синф сифатида йўқ қилинди. Миллионлаб одамлар лагерларга, тиканли симлар ортига қамоққа жўнатилди ва кулдек ишлатилди. Уларнинг кўпчилиги лагерларда ўлиб кетди. Яна миллионлаб одамлар ревтрибуналлар (инкилобий трибуналлар), учлик судлар, ҳарбий ва умумий жинойтчилик судлари қарорлари билан отиб ташланди. КПСС XX съезидан кейин кенг кўламдаги қатағонлар, Сталин шахсига сиғиниш тўхтатилган бўлса-да, инсонга социализм қуришнинг бир мурватчаси, воситаси, деб беписанд қараш СССРда давом этди. СССРда инсонга нисбатан муносабат синфийлик ва партиявийликка таянар эди. Шу боис у ўрта асрлардаги деспотик давлатлар сиёсатидан қаттолроқ эди.

Инсонга муносабат Европа Уйғониш ва Маърифатпарварлик даврларида ўзгара бошлади. Дастлаб гуманизм (инсонпарварлик) ғояси фалсафий ва илғор ижтимоий-сиёсий таълимотларнинг марказига қўйилди. Инсоннинг табиий ҳуқуқи, қонун олдида ҳамма тенг бўлиши, табақавий имтиёзлар бекор қилиниши лозимлиги тўғрисида фикрлар ўртага ташланди. Агар италян сиёсатшуноси ва жамоат арбоби Н.Макиавелли (1469-1529) сиёсий мақсадга эришиш учун ҳар қандай усул қўлланиши мумкинлигини, мақсад воситани оқлаши ҳақидаги ғояни оқлаган бўлса, кейинчалик илғор мутафак-

12. Рябчиков А.М. Структура и динамика геосферы. - М.: Мысль, 1972. - 223 с.
13. Абдулкасимов А., Абдулкасимов А., Абдулкасимов И. Антропогенные ландшафты Средней Азии и вопросы экологии. -Ташкент: Ташкентский финансовый инс-т, 2004. - 262 с.
14. Абдулкасимов А.А. Ландшафтшуносликнинг тармоқланиши ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги // Барқарор ривожланишнинг географик асослари. –Самарканд, 2011. – Б. 5-19.

РЕЗЮМЕ

Мақола ландшафт концепцияси ва ҳозирги ландшафтшунослик ғояларининг ривожланиши масалаларига бағишланган. Унда ҳозирги ландшафтларнинг инсон хўжалик фаолияти таъсири остида ўзгариш даражасига кўра таснифлашнинг назарий масалалари таҳлил қилинган, антропоген ландшафтларни таснифлашнинг муаллиф тархи таклиф қилинган, “антропоген ландшафт” ва “маданий ландшафт” тушунчаларининг нисбати очиқ берилган ва ландшафтшуносликнинг предмети, тузилмаси ва вазифалари қисқача қараб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена вопросам развития идей ландшафтной концепции и современного ландшафтоведения. В ней анализируются теоретические вопросы классификации современных ландшафтов по степени изменения под воздействием хозяйственной деятельности человека, предлагается авторская схема классификации антропогенных ландшафтов. Раскрыто соотношение антропогенных и культурных ландшафтов. Вкратце рассматриваются предмет, структура и задачи ландшафтоведения.

SUMMARY

The article is dedicated to the problems of the development of landscape conception of modern landscape science. Theoretical problems of modern landscape classification of changing under the influence of human economic activity are analyzed in it. The author's scheme of modern landscape classification is suggested and the correlation of anthropogenic and cultural landscapes is opened.

The subject, structure and problems of landscape science (history and criticism of landscape) are shortly considered.

Наширға доц. И.Жонқобилов тавсия этган

ДЕЙСТВИЕ ИНФРАКРАСНОГО ИЗЛУЧЕНИЯ, ГЕНЕРИРУЕМОГО ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ КЕРАМИКОЙ НА ЦЕЛЛЮЛАЗНУЮ АКТИВНОСТЬ И ОБРАЗОВАНИЕ БЕЛКА ГРИБОМ *TRICHODERMA HARZIANUM* UZCF 28

Азимова Н.Ш., Хамидов Д.М. (Институт микробиологии АНРУз),
Орунов Б., Рахимов Р.Х., Ермаков В.П., Рашидов Х.К. (Физико-технический институт АНРУз)

Ключевые слова: гриб, фермент, целлюлаза, белок, Trichoderma harzianum, субстрат, инфракрасная излучения, импульсная излучения

Целлюлазы, ферменты, гидролизующие целлюлозу, являющуюся наиболее распространенным органическим соединением в природе.

Известно, что синтез целлюлозы осуществляется растениями, ее распад, в основном, происходит за счет микроорганизмов. Боль-

шое значение в разложении целлюлозы принимают микроскопические грибы.

Отобраный ранее гриб *Trichoderma harzianum* UZCF 28 продуцировал ферменты целлюлазного комплекса, состоящего из эндо 1,4 β-глюканазы, экзо 1,4 β-глюканазы, ксиланазы, гемицеллюлазы и целлобиазы.

Известно, что для активации ферментативного гидролиза целлюлозы осуществляют различные химические и физические воздействия на целлюлозу, вызывают изменения его структуры, меняют соотношение кристаллических и неупорядоченных областей, усиливают или ослабляют межмолекулярное воздействие (1,2). Наиболее эффективными методами предварительной обработки являются химические методы, но обработка проводится при высокой температуре и может привести к деградации сахаров и образованию побочных продуктов, которые ингибируют сбраживание углеводов (3).

В связи с этим нами была предпринята попытка изучить ферментативную активность и образование белка грибом *T. harzianum* UZCF 28 при воздействии инфракрасного излучения, генерируемого функциональной керамикой на субстрат (гузапаю), используемую в качестве источника углерода в питательной среде.

Для культивирования гриба использовали видоизмененную среду Mandels et al. (4) следующего состава (г/л): KH_2PO_4 – 1,0; $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$ – 2,3; MgSO_4 – 0,5; CaCl_2 – 0,3; микроэлементы – 1 мл (раствор микроэлементов содержал: 500 мг $\text{FeSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$; 150 мг MnSO_4 ; 167 мг ZnCl_2 ; 200 мг CoCl_2 ; 1 мл 19% HCl в 100 мл). В качестве источника углерода вместо сахарозы была использована гузапая в количестве 2%, после воздействия инфракрасного излучения, генерируемого функциональной керамикой, вода водопроводная 1,0 л. Гриб выращивали в глубинных условиях на качалке (200 об/мин) в колбах Эрленмейера емкостью 500 мл со 150 мл питательной среды при 28-30 °С в течение 5 суток. Инокулятом служила водная суспензия спор (10^6 /мл) 5 суточных культур, выращенных на агаризованной среде того же состава, где источником углерода служила фильтровальная бумага.

Для определения целлюлазной активности использовали модифицированный метод Мандельс, Вебер (4). Редуцирующие сахара в инкубационной смеси и в культуральной жидкости определяли по методу Сомоджи и Нельсона (5, 6), белок по Лоури (7).

Преобразователи энергии первичного источника излучения (ТЭН, галогеновая лампа, кварцевые излучатели и т.д.) на основе функциональной керамики, синтезируемой на Большой Солнечной Печи (БСП, г. Паркент), позволяют получать излучение в дальней области спектрального диапазона. Имеется возможность получения узкоспектрального излучения в заданном диапазоне длин волн.

ди, маслагини химоя айлаб, вазиятни енгишга харакат қилади, йўқотишларга, оғир синовларга дош беради. Қатъият, бардош, сабрқаноат, йўлдан тоймай, ортга қайтмай, мақсадга интилиш, имкон излаш, масаланинг янги ечимини топишга ўз ақлини, ҳиссиётини, кучини сафарбар этиш, муваффақиятсизликлардан чўчимаслик, ютуқлардан эсанкирамаслик – иродани ташкил этувчи унсурлардир. Ирода, булардан ташқари, ғурур, ор-номус, фидойилик, қахрамонлик, жасурлик, мардлик, матонат, таваккалчилик ёки қўрқув каби тушунчалар ва меъёрлар билан узвий боғлиқ. Биз бу тушунчаларнинг ҳар бирини ва улар онг билан боғлиқлигини таҳлил қилиб ўтирмаймиз. Мумтоз мутафаккирлар бу ҳақда кўп доно фикрларни билдириб кетган. Биз фақат В.Шекспир ва Рене Декартнинг иродага оид фикрларини келтириш билан чекланамиз. “Қўрқоқлик шунинг учун ҳам ғоятда зарарлики, у иродани фойдали ишдан четга тортади”, - дейди Декарт. Бошқача айтганда, иродани фалаж қилиб қўяди. Инсонни мақсаддан воз кечишга ундайди. “Қатъий ирода етишмайдиган одамда ақл ҳам етишмайди”, - уқтиради Шекспир. Чунки у ақл, мантиқ объектив шарт-шароит нимани талаб қилаётганини билмайди ёки билса-да, амал қилмайди, тесқари иш тутади.

Ирода маънавиятга барқарорлик, ўзини муҳофаза қила олиш, ривожланиш, такомиллашиш, яъни яшовчанлик ва самарадорлик хусусиятларини бағишлайди. Инсоннинг ўзига хос характери, феъл-атворини танлаган мақсадлари белгилайди. Гегель тўғри таъкидлаганидек: “Бир жиҳатдан, мохият-этибори билан ўз олдига мазмундор мақсад қўйиб, иккинчи бир томондан, шу мақсадга қаттиқ амал қилган одам чинакам характерли инсондир, чунки у шу мақсадлардан воз кечса, унинг ўзига хослиги йўқолган бўлур эди” [3:129]. Демак, ирода инсоннинг (жамиятнинг) маънавий қиёфасини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Қийинчиликлардан чўчимайдиган, меҳнатдан қочмайдиган одам ўз олдига мазмундор, юсак мақсадларни қўяди. Бу уни кўпчиликдан ажратиб туради, унга ўзига хос маънавий қиёфа бағишлайди. Дангаса, қийинчиликлар ва изланишлардан чўчидиганлар амалда осон эришиладиган мақсадларни танлайди. Улар ҳаётга тезроқ мослашишлари, ишларини пухта бажариб, барқарор турмуш кечиришлари мумкин. Лекин улар бошқалар қаторидаги оддий оммавий одамлардир.

Эркин танлаш муаммоси

Давлат сиёсатида инсонга ғамхўрлик, инсон ҳуқуқлари, умуман инсонпарварлик асосий мақсадга айланмоғи шарт. Энг яхши, тараққиётга элтадиган дастурлар, уларни амалга ошириш усуллари инсонга, унинг саломатлигига ёки эркинлигига, ҳуқуқларига зиён етказса ёки иқтисодий эксплуатацияни кучайтурса, улардан воз кечиш керак. Ўтмишда ушбу масалада турлича қарашлар бўлган. Кўпчилик манфаати учун озчилик манфаатлари қурбон қилинган. Бундай ҳолатларни ахлоқ ва ҳуқуқ нуқтаи назардан баҳолаш осон эмас.

хукук ирода унсури эмас, балки уни билвосита рўёбга чиқарувчи, ойдинлаштирувчи, ўз меъёрлари таъсири билан бойитувчи мустақил ижтимоий институтлардир. Ирода эса мутлақо ижтимоий институт эмас. Айни пайтда ирода ахлоқ ва хукукни юзага чиқарувчи омилдир, воситадир. Шу сабабдан у ахлоқий, хукуқий ва сиёсий жиҳатдан баҳоланиши мумкин. Лекин эркин танлаш, қарор қабул қилиш (жумладан, хукуқий ва сиёсий ҳолларда ҳам) ирода орқали амалга оширилади.

Ирода ва онг. Ирода унсурлари

Қадимги антик даврда ирода деганда инсон ақли ва ҳиссий кечинмаларига мансуб идеал ҳодисанинг амалий хулқ-атвор ва ҳаракатга айланиш жараёни тушунилади. Ирода маънавият негизини ташкил этувчи онгнинг ўзига хос таркибий қисмидир. Маънавиятнинг кўп томонлари, жумладан, эътиқод билан у чамбарчас боғлиқ. Онгсиз ирода умуман вужудга келмайди. Ирода ўз олдида муайян мақсад қўйиш, турли вариантлардан, усуллардан, йўллардан ўзига маъқулини танлаш экан, ироданинг негизиди онг, таҳлил, мулоҳаза, хулоса, тафаккур ётади. Эътиқодсиз ирода ички қатъият жиҳатдан заиф, стихияли ва иррационализмга кўпроқ мойил бўлади. Эътиқоди заиф киши қатъий хулосага келолмайди, иккиланади, ўз қарашларини тез-тез ўзгартиради ёки қарор қабул қилишда қийналиб, масалани ўзибўларчиликка ташлаб қўяди. Аммо баъзан ўта чалқаш, мураккаб вазиятда эътиқоди мустаҳкам киши ҳам бирор қарорга келолмасдан анча қийналиши, иккиланиши мумкин. Ҳаётнинг қийин муаммолари тўғрисидаги иккиланишларни “тутуриғи” йўқ кишининг иккиланишларидан фарқлаш лозим.

Ўз навбатида, *иродасиз онг тўлиқ яхлит тизим бўлолмайди, у нофаол инъикос даражасида қолиб кетади, эътиқод эса шаклланмайди.* Иродасиз онг оламни, воқеликни пассив (нофаол) акс эттиради. Инсон теварак-атрофидаги ҳамма нарсани кўриб-билиб туриши мумкин, лекин уларни муносиб баҳолай олмайди, ўзининг қатъий нуқтаи назарига эга бўлмагани учун, теварак-атрофидаги воқеалар, муаммолар ва улар ечими тўғрисида узил-кесил фикрга кела олмайди. Унинг ўз фикри йўқ. Бундай кишилар бунёдкорлик салоҳиятидан маҳрум. Бошқаларнинг кўрсатмасига, ортидан эргаштиришига муҳтож. Иродаси бўш кишилар шу сабабдан бошқаларнинг таъсирига тез тушади, ҳар хил фирибгарлар, қаллоблар тузоғига илинади. Фирибгарлар нафақат иродаси бўш кишиларни, шунингдек, кўнгли тоза, ишонувчан кишиларни ҳам алдаб кетиши мумкин. Бундай ҳолларни чалқаштирмаслик керак. Демак, иродасиз маънавият шаклланмайди ёки аниқ тизимни ташкил этмайдиган жуда жўн тушунчалар ва меъёрлар йиғиндиси бўлиб қолади.

Ирода эркин танланган мақсадни амалга оширишда зоҳиран воқе бўлади, юзага чиқади. Бу жараёнда инсон (миллат) вазият талаб қилса, нималардан воз кечади, нималарнидир қурбон қила-

Тажже возможно получать инфракрасное излучение с различными временными характеристиками – импульсное с заданными параметрами, непрерывное, комбинированное и др. (8-11).

В представленной работе использовались два вида керамических преобразователей на основе функциональной керамики:

- генерирующие непрерывное излучение в диапазоне 3,3 мкм;

- генерирующие импульсное излучение в диапазоне 16 мкм с плотностью энергии в импульсе 200 Вт/см² и длительностью импульса 10 мксек, с частотой следования импульсов 400 Гц.

Исследовалось также и одновременное совместное воздействие обоих видов излучения.

Режимы воздействия на целлюлозосодержащий субстрат (гузапаю):

1) импульсное излучение с длиной волны 16 мкм с плотностью энергии в импульсе 200 Вт/см² и длительностью импульса 10 мксек, с частотой следования импульсов 400 Гц. – 5 минут;

